ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЕКОБОД ТУМАНИ
**ҲОКИМИ**

TOSHKENT VILOYATI
BEKOBOD TUMANI
**HOKIMI**

# Q A R O R
# Қ А Р О Р

Zafar shaharchasi

«27» ноябрь 2017 йил 1336-сон Зафар шаҳарчаси

**Бекобод тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги низомни, туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари ҳамда бошқарув аппарати ходимлари ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимотини тасдиқлаш ҳамда туман ҳокимининг айрим қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимият органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сон, 2017 йил 20 июлдаги “Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3142-сон, 2017 йил 3 ноябрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПҚ-3374-сон ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 23 ноябрдаги 693-сон қарорларини бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПҚ-3374-сон ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Вилоят ҳокимининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 693-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ушбу қарорга асосан қуйидагилар:

Бекобод тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг иш тартиби 2-иловага мувофиқ;

Туман ҳокими ва унинг ўринбосарларининг ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимоти ва функционал вазифалари 3-иловага мувофиқ;

Туман ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимлари ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимоти ва функционал вазифалари 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11-иловаларига мувофиқ тасдиқлансин.

Туман ҳокимининг ёрдамчиси ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси масъул котибининг хизмат вазифалари тўғрисидаги йўриқномалар 12-13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши билан Бекобод тумани ҳокимининг 2016 йил 3 декабрдаги "Бекобод тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги низомни, туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари ҳамда бошқарув аппарати ходимлари ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимотини тасдиқлаш тўғрисида"ги 714-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Бекобод тумани ҳокимининг 2017 йил 30 августдаги 836-сон қарорининг 1-банди 40-иловаси билан тасдиқланган Бекобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияси таркиби 14-иловага асосан қайта тасдиқлансин ҳамда шу муносабат билан Бекобод тумани ҳокимининг 2017 йил 30 августдаги 836-сон қарорининг 1-банди 40-иловасига ўзгартириш киритилсин.

5. Бекобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияси фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий хужжатларни тасдиқлаш хақида"ги 269-сонли қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Шунингдек, қуйидагилар:

туманда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериш учун мўжалланган турар жойларнинг қатъий ҳисоби олиб борилишини ҳамда уларни турар-жойлар билан таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ўз вақтида ҳолисона кўриб чиқилиши, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар-жой берилишида қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

6. Бекобод тумани ҳокимлигининг ташкилий тузилмаси (структураси) ва ходимларининг штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан, Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

7. Ушбу қарор ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Туман ҳокими** **О.Исраилов**

| | |
|---|---|
| Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари | Б.Хакимов |
| Туман ҳокимининг ўринбосари | О.Эргашов |
| Туман ҳокимининг ўринбосари | Н.Мирсаидов |
| Туман ҳокимининг ўринбосари,<br>Хотин-қизлар қўмитаси раиси | Ё.Мўминова |
| Туман ҳокимлиги Ташкилий-<br>назорат гуруҳи раҳбари | Қ.Хайдаров |
| Туман ҳокимлиги бош юристконсулът | Х.Артиков |

Тайёрлади:А.Утегенов

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 1- илова

**Бекобод тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисида**
НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддаларига, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 февралдаги “Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2497-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон, 2015 йил 31 мартдаги 73-сон ва 2015 йил 31 мартдаги 74-сон, 2016 йил 27 апрелдаги 123-сон қарорлари ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2016 йил 18 июлдаги 233–сон қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг (кейинги ўринларда бошқарув аппарати деб аталади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулияти ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарув аппарати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Бошқарув аппарати ҳокимлик фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий-техник ва молиявий-хўжалик жиҳатидан таъминлайди, халқ депутатлари Кенгаши мажлислари унинг регламентига мувофиқ тайёрланишини таъминлайди, халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва ижрони мунтазам равишда текширади.

Бошқарув аппарати халқ депутатлари туман Кенгаши фаолиятига ташкилий, техник ва бошқа хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

4. Бошқарув аппарати ўз фаолиятини ҳокимнинг раҳбарлигида амалга оширади.

5. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Тошкент вилояти ҳокимлиги аппаратлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## II. Бошқарув аппаратининг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бошқарув аппаратининг вазифалари ҳисобланади:

ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунида, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлар ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларини комплекс таҳлил қилиш, асосий иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини, таркибий ва

институционал ўзгартиришларни, туман бюджети ижросининг тизимли мониторингини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган муҳим устувор вазифаларга мувофиқ туманни комплекс ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

туманда иқтисодиётда, энг аввало, саноатда ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришлар амалга оширилишини таъминлаш;

тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ва кафолатларини таъминлаш юзасидан ҳудудий бошқарув органлари масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, ҳудудий инвестиция дастурлари, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник янгилаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари, маҳаллийлаштириш дастури, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурлари, шунингдек бошқа ҳудудий дастурлар амалга оширилишининг мониторингини олиб боришнинг самарали тизимини яратиш;

туман иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни ташкил этиш;

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудий бошқарув органларининг, бошқа ташкилотларнинг янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга доир ишларини мувофиқлаштириш;

қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, табиий офатлар, эпидемия ва бошқа экстремал ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилоят ҳокимининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқиш, шу жумладан уларнинг айрим тармоқларга ва умуман туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қисқа муддатли ва узоқ муддатли таъсирини комплекс баҳолаш.

7. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши, Тошкент вилояти ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари ва қарорлари бўйича тегишли таҳлилий,

маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди, шунингдек ҳоким томонидан кўриб чиқилиши талаб этиладиган масалаларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Тошкент вилояти ҳокимлигига кўриб чиқиш учун киритиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул қилинадиган қарорлар лойиҳалари ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал қилиш ҳамда туманни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳоким ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари туман Кенгаши сессиялари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ҳамда бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ҳокимликнинг иш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади, Тошкент вилояти ҳокимлиги аппаратлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ кўриб чиқади;

махфийлик режимини, давлат сири бўлган маълумотлар ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимликнинг фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда жамоатчиликни хабардор қилишни ташкил этади.

Бошқарув аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

## III. Бошқарув аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши ва

ҳокимнинг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимларини белгиланган тартибда таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ масалалари кўриб чиқилишини ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек ҳоким ва унинг ўринбосарларининг топшириқларини бажариш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, бошқа ташкилотларнинг ишларини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш.

9. Бошқарув аппарати:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлиги топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, ҳокимнинг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалалар сабабларининг ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан туман ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлигига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ҳамда қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, халқ депутатлари Тошкент

вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг қарорлари, шунингдек ҳокимлик раҳбарияти топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

## IV. Бошқарув аппаратининг тузилмаси

10. Бошқарув аппаратининг тузилмаси ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-назорат гуруҳи, соҳалар бўйича бош ва етакчи мутахассислар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби, юрист, бухгалтерия ва канцеляриядан иборат бўлади.

Бошқарув аппаратининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сон қарори талабларига мувофиқ белгиланади.

11. Бошқарув аппаратининг ишлари ҳоким томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати тўғрисидаги низомга ва ходимларнинг функционал вазифаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиниг қарорилари билан тасдиқланган Низомга, Иш юритиш бўйича йўриқномага, шунингдек, ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги низомга мувофиқ ташкил этилади.

12. Ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-назорат гуруҳи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби, юрист, бухгалтерия ва канцелярия ўз фаолиятида ҳокимга бўйсунадилар.

Соҳалар бўйича мутахассислар ўз фаолиятида ҳокимга ва ўзлари масъул бўлган соҳага кўра ҳокимнинг тегишли ўринбосарларига бўйсунади.

13. Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратининг бошқа ходимлари ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Ташкилий-назорат гуруҳи, бухгалтерия ва канцелярия тўғрисидаги низомлар, шунингдек улар ходимларининг, ҳоким ёрдамчисининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котибининг, соҳалар бўйича бош ва етакчи мутахассислар ҳамда юристнинг функционал вазифалари ҳоким томонидан тасдиқланади.

## V. Бошқарув аппарати фаолиятини ташкил этиш

15. Бошқарув аппарати ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг қарорларига, ҳокимнинг ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

16. Ҳоким ва ҳоким ўринбосарларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлигининг қарорларига фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка қуйидаги соҳаларда юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган:

а) маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ўзини ўзи бошқариш ва ёшлар сиёсати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

жамоат тартибига риоя этишни, фуқаролар хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ва соғлиғини муҳофаза қилишни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, паспорт-виза режимига риоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этган шахслар билан ишлаш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлатнинг бошқа органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича давлат дастурлари тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятчиликни қисқартириш шакллари ва усулларини, шунингдек чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларини ташкил қилиш йўли билан қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларини шакллантиришни, шу жумладан уларни тўплаш, сақлаш ва янгилаб боришни, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкорлик билан фойдаланишга доимий тайёр бўлишни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

чегаралар яқинидаги муаммоларни ҳал этиш, нолегал миграцияга қарши курашиш, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш масалалари билан боғлиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан назоратни таъминлаш;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла институтининг аҳамияти тўғрисида аҳолини, айниқса ёшларни кенг хабардор қилиш, шунингдек энг аввало, камол топаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига манзилли ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, одамларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштиришда маҳаллаларнинг

фаолиятини ҳар томонлама ёритиш бўйича тизимли ишларни оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ташкил этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йиғинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг минтақавий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш; фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

фуқаролар йиғинлари ишларини тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтнинг минтақавий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасида қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш;

ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни ташкил этиш;

ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилиш;

иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, жисмоний соғлом ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий маданий ва маънавий меросни эҳтиётлаб асраш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, шунингдек маданият, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

б) саноат, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалигини ривожлантириш соҳасида:

ҳудуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-хом ашёни ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлаш;

туманда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга ошириш;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

қурилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;

муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш;

кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолини сифатли ичимлик сув билан ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими билан таъминлаш;

аҳоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжалигини ривожлантириш;

в) қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлаш;

деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

чорвачилик, паррандачилик ва баликчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут ипак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни кўпайтириш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

<u>г) иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизматлар кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳасида:</u>

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга, амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга, инновацион ривожланиш механизмини изчил жорий этишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бандликни, аҳоли даромадлари ўсишини ва ҳаёти даражаси ошишини таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, бошқа ташкилотларнинг, биринчи навбатда, экспорт тузилмасида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш бўйича минтақавий дастурларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва уларни жаҳон ҳамда минтақа бозорларига киритиш, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг таркибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва ўз вақтида ишга тушириш ҳамда ишлаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялашни таъминлаш, шунингдек уларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб этиш ишларини фаол бажариш;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига туман иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш;

туман иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш;

қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг

қонуний ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, оналар ва болалар соғлиғи муҳофазасини таъминлаш, қишлоқ врачлик пунктларининг, диагностика, перинатал ва скрининг-марказларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада ислоҳотларнинг стратегик вазифаларига ва устувор йўналишларига мувофиқ илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланиш;

давлат органларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш;

истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

чакана ва улгуржи савдони, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини кенг жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

д) жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар соҳасида:

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёсат олиб бориш;

давлат органларининг вилоятда ва Тошкент шаҳрида жойлашган жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;

«Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

маънавий ва миллий қадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

миллатлараро тотувликни ва диний бағри кенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш «Нуроний» жамғармасининг, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг туман бўлинмалари фаолиятига кўмаклашиш;

е) Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида:

хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилада, жамиятда ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишда уларнинг ролини ошириш ишларининг ҳолатини мунтазам ўрганиш ва баҳолаш;

хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг ҳар хил шаклларини ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилишини таъминлаш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш, мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида, халқаро хотин-қизлар ҳаракатида аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига кўмаклашиш.

Ҳокимнинг ўринбосарлари қонун ҳужжатларига ва ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

17. Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари:

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлиги, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари ва қарорлари бажарилишини назорат қилади;

белгиланган тартибда Ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

бошқарув аппарати раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни ҳокимнинг кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда киритади;

тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш чора-тадбирлари комплексини амалга оширади, кўриб чиқилаётган номзодлар бўйича материалларни ҳар томонлама ўрганишни ва ишончли материаллар тайёрлашни таъминлайди;

келгусида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш ишларини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, хўжалик бирлашмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб боради;

бошқарув кадрларини ҳисобга олиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини шакллантириш ва юритиш ишларини ташкил қилади;

захирага киритилган бошқарув кадрларининг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилади;

ҳокимларнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарлари билан биргаликда ҳокимлик аппарати кадрларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари ва уларнинг захираси тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ва доимий янгилаб боришни таъминлайди;

ташкилий-кадрлар масалалари бўйича ҳокимнинг қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, ҳоким раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилишлар, мажлислар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловларини, Ўзбекистон Республикаси референдумларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатади;

халқ депутатлари Кенгашининг, унинг комиссияларининг ва бошқа ишчи органларнинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди, депутатларга уларнинг ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади;

фуқароларнинг маҳалла йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашади;

Ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котибининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон Қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

19. Юридик хизматнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорлари билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

20. Ҳокимнинг ёрдамчиси :

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент вилояти ҳокимлигининг бевосита ҳокимга йўлланган ёзма топшириқлари тўғрисида ўз вақтида ахборот берилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди ва ҳокимнинг резолюциясига мувофиқ унинг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлиги тегишли топшириқлари бажарилишини назорат қилиш ва таҳлил этишни таъминлайди, уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимга ахборот беради;

ҳокимнинг жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг ижросини ташкил этади;

ҳокимнинг номига тушган хат-хабарларни таҳлил қилади, пухта экспертизадан ўтказади, зарурият бўлганда, бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тегишли топшириқларни (фишкаларни) тайёрлайди, тегишли материаллар ҳақида ҳокимга ахборот беради ва имзоланган топшириқларнинг белгиланган тартибда ижрочиларга юборилишини ташкил этади;

жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг ҳоким томонидан қабул қилинишини ташкил этади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган топшириқлар бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

ҳоким томонидан юкланган ва ҳоким ёрдамчисининг функционал вазифаларида назарда тутилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

21. Соҳалар бўйича бош мутахассис (етакчи мутахассис, 1-тоифали мутахассис):

функционал вазифалар соҳасига кирадиган масалалар бўйича ишларни ташкил этади ҳамда ўзига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўзи масъул бўлган соҳага кирадиган масалалар бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳокимликка киритилган таклифлари ҳамда ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил этади, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, туманни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

материалларни тайёрлашда ва ҳоким ва ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ҳар хил комиссиялар йиғилишларида қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда иштирок этади;

ҳоким ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ҳар хил комиссиялар мажлисларида, шунингдек ўзи масъул бўлган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда иштирок этади;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материаллар ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисида ҳоким ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритади, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлиги қарорлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари ва қарорлари бажарилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

бошқарув аппаратида амал қилувчи Йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

функционал вазифаларга мувофиқ ўзига юкланган бошқа функцияларни амалга оширади.

22. Бошқарув аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифалари ва функциялари тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларда ҳамда ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларни тақсимлашда белгиланади.

23. Бошқарув аппаратини сақлаш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 2-илова

## БЕКОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ БОШҚАРУВ АППАРАТИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур иш тартиби Ўзбекистон Республикаининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Бекобод тумани ҳокимлигининг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Туман ҳокимлиги туманда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда самарали фаолият кўрсатишга раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси Қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорлари ва вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгаши қарорлари ва туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари ижро этилишини таъминлайди.

3. Туман ҳокимлигига юклатилган вазифаларни амалга ошириш туман ҳокими, унинг ўринбосарлари, мажмуа, гуруҳ ва бўлимлар раҳбарларининг фаолияти, шунингдек, туман ҳокимлиги аппаратининг вақтинчалик комиссияларининг, тегишли қарорлари билан ташкил этилган бошқа ишчи органларнинг ташкилий-амалий иши билан таъминланади.

4. Туман ҳокимлигининг фаолиятига раҳбарликни Бекобод тумани ҳокими амалга оширади. Туман ҳокимининг топшириғига биноан ҳоким ўринбосарлари туман ҳокимлиги ишини ташкил қилади.

5. Туман ҳокимлиги аппарати, унинг мажмуа ва гуруҳлари иш тартиби туман ҳокими томонидан тасдиқланган тегишли Низомлар билан белгиланади.

6. Туман ҳокимлиги аппарати ишларини мувофиқлаштириб бориш туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари томонидан амалга оширилади.

### II. Туман ҳокимлиги бошқарув аппарати ишини режалаштириш

1. Туман ҳокимлиги иши ҳафталик, ойлик, ярим йиллик ва йиллик режаларга мувофиқ олиб борилади.

Туманнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий муаммоларини ҳал этиш учун мажмуа, гуруҳлар ва бўлимлар комплекс ёки мақсадли дастурлар, тадбирларни ишлаб чиқадилар, улар туман ҳокими ўринбосарлари, мажмуа раҳбарлари томонидан туман ҳокимига кўриб чиқиш учун киритилади.

2. Иш режаси лойиҳасига масалаларни киритиш тўғрисидаги таклифлар туман ҳокимлиги мажмуа, гуруҳлар ва бўлимлар таклифларини ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Таклифлар режалаштириладиган давр бошлангунча 20 кундан кечикмай кўриб чиқиш ва умумлашган режага киритиш учун туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳига топширилади.

3. Режалаштирилган масалаларни кўриб чиқиш муддатларини ўзгартиришга ёки уларни чиқариб ташлашга фақат туман ҳокими рухсат беради.

4. Туман ҳокимига унинг ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари иш режасининг ўтган давр мобайнида қандай бажараётганлиги тўғрисида мунтазам равишда ахборот бериб борадилар.

## III. Туман ҳокимлигига масалаларни киритиш тартиби

1. Туман ҳокимига “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун билан унинг ваколатига кирувчи масалалар кўриб чиқиш учун киритилади.

Туман фаоллари йиғилишида муҳокама этиш учун масалалар туман ҳокимлиги мажмуа, гуруҳлар ва бўлимлар томонидан киритилади.

Барча турдаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари тегишли ҳоким ўринбосарлари орқали мурожаат қиладилар ва масалалар киритадилар.

2. Туман ҳокимлигига киритиладиган ҳар бир масала одатда, давлат тили (ўзбек тили)да аниқ баён этилган, асосланган қарор ёки фармойиш лойиҳаси, шунингдек масаланинг моҳияти баён этилган ва мазкур ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги асослаб берилган қисқача хат, ахборот ва маълумотнома тариқасида тақдим этилади. Амалга оширилиши, қўшимча моддий ва бошқа ҳаражатларни талаб қиладиган қарор ва фармойишлар лойиҳаларини тақдим этишда молиявий-иқтисодий асосланган ҳужжатлар илова қилинади.

Қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари амалдаги қонун ҳужжатларига мос бўлиши, уларда кўриб чиқилаётган масала пухта таҳлил қилинган ва ҳолис баҳоланган, ижрочилар олдига аниқ ифодаланган мақсад ва вазифалар қўйилган бўлиши, уларда амалга оширса бўладиган муддатлар белгиланиши керак.

Қарор ёки фармойишнинг тайёрланган лойиҳаси билан айни бир вақтда туман ҳокимининг қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки уларни ўз кучини йўкотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар ҳам киритилади.

3. Айнан шу масалалар бўйича илгари қабул қилинган қарорлар бажарилмаган ҳолларда (янги вазиятлар пайдо бўлган ҳоллар бундан мустасно) туман ҳокимлигига ана шу масалалар бўйича қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини киритилишига йўл қўйилмайди.

4. Туман ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳамда туман бюджети билан боғлиқ бўлган қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари ёки таклифлар тегишли равишда туман ҳокимлиги ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими ҳамда туман молия бўлими билан келишиб олиниши керак.

5. Барча турдаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари туман ҳокимлигига киритилаётган қарорлар, фармойишлар лойиҳаларининг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги, уларнинг манфаатдор томонлар билан тегишли равишда келишиб олганликлари учун шахсан жавобгардирлар.

Ушбу иш тартиби талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатлар лойиҳалари зарур тартибда расмийлаштириш учун қайтарилади.

6. Тайёрланган ва келишилган қарор, фармойишлар лойиҳалари даставвал мажмуа ва гуруҳлар томонидан туман ҳокимининг тегишли ўринбосари - мажмуа раҳбарига, мутасадди мажмуа ва гуруҳлар, юрисконсульт, ташкилий-назорат гуруҳига қоида тариқасида - келишиш учун киритилади. Қарор ва фармойишларнинг келишилган лойиҳалари туман ҳокими томонидан имзоланиши учун ҳоким ёрдамчисига тақдим этилади.

7. Туман ҳокимининг топшириқлари корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан ҳужжат юборилган кундан бошлаб, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, 10 календар кун давомида бажарилиши керак.

8. Қабул қилинган қарорларнинг, топшириқларнинг ижросини мувофиқлаштириш, мазкур ҳужжатни тайёрлаган туман ҳокимлиги мажмуа, гуруҳ ва бўлимларига юкланади.

9. Ҳужжатларнинг бошқа турларини тайёрлаш ва туман ҳокимлиги раҳбариятига тақдим этиш тартиби, улар бўйича ижрочиларга топшириқлар

(кўрсатмалар, резолюциялар)ни етказиш тартиби “Туман ҳокимлиги аппаратида иш юритиш бўйича йўриқнома” билан белгиланади.

## IV. Туман фаоллари йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш

1. Туман фаоллари йиғилишлари йилнинг ҳар чорагида, камида бир марта ўтказилади. Туман ҳокимлигининг доимий органи сифатида туман ҳокимлиги аппарати йиғилишлари мунтазам, аппаратнинг иш режасига биноан ўтказилади. Йиғилишларни туман ҳокими ёки унинг топшириғига кўра туман ҳокимининг биринчи ўринбосари олиб боради.

Зарурат туғилганда, шошилинч масалаларни кўриб чиқиш учун туман фаолларининг режадан ташқари йиғилишлари ўтказилиши мумкин.

Туман ҳокими томонидан ҳар ҳафтада туман ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик мажмуа ва гуруҳлари ходимлари, бўлим раҳбарлари иштирокида аппарат йиғилишлари ўтказилади. Уларда ҳукумат топшириқларининг ижросини ташкил этиш, туман ҳокимининг ҳафталик топшириғининг ижросини таъминлаш ва ҳокимлик аппаратининг жорий фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади ҳамда келгуси ҳафта учун топшириқлар берилади.

2. Туман фаоллари йиғилишида кўриб чиқиш учун туман ҳокимлиги ваколатига кирувчи ҳар қандай масалалар киритилиши мумкин.

3. Туман фаоллари йиғилишларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари раҳбарлигидаги бўлим, корхона, ташкилот ва муассасалар, мазкур иш тартибига мувофиқ туман ҳокимлигига масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда амалга оширадилар. Зарур ҳолларда масалаларни тайёрлашни туман ҳокимлиги томонидан тузилган комиссиялар амалга оширадилар.

4. Туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари, туман бўлим, корхона, ташкилот, муассаса ва идоралар таклифлари бўйича тайёрланадиган йиғилиш кун тартиби лойиҳаси йиғилиш бошланишидан камида 10 кун олдин туман ҳокими ёки унинг топшириғига кўра Ташкилий-назорат гуруҳи ва ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими билан келишилади. Кун тартиби келишилгандан кейин унга қўшимча масалалар фақат туман ҳокимининг розилиги билан киритилиши мумкин.

5. Туман фаоллари йиғилишига киритиладиган масалалар бўйича материаллар вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари – мажмуа раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади ва ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими томонидан умумлаштирилади, улар тайёрланган масалаларни сифати учун жавоб берадилар.

Қарор лойиҳаси туман ҳокимининг тармоқ бўйича ўринбосари - мажмуа раҳбари, юрисконсульт ҳамда бошқа манфаатдор бўлим, туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари томонидан имзоланган, Ташкилий-назорат гуруҳи ва ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими томонидан маъқулланган бўлиши керак.

Лойиҳалар билан бир вақтда қуйидагилар тақдим этилади:

- Йиғилиш олиб бориш тартиби, йиғилишга таклиф этилганлар рўйхати, қарор лойиҳасининг манфаатдор томонлар билан келишилган қисми, муҳокамаларда сўзга чиқувчилар рўйхати, кун тартибидаги масалалар юзасидан маълумотномалар.

Қарор лойиҳасини тўлиқ келишиб олиш имкони бўлмаган фавқулодда ҳолларда, келишилмаган масалалар асослашлар, мулоҳазалар, таклифлар билан биргаликда келишилганлик тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилиши керак.

6. Туман фаоллари йиғилишида кўриб чиқиш учун киритиладиган материаллар Туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари, туман бўлим, корхона, ташкилот, муассаса ва идоралар томонидан йиғилишдан камида 7 кун олдин Ташкилий - назорат гуруҳи раҳбарига топширилади.

7. Туман фаоллари йиғилишига таклиф этиладиганлар рўйхати туман ҳокими ва унинг топшириғига биноан ўринбосарлар билан келишилади.

Фаоллар йиғилишига таклиф этиладиган барча иштирокчиларни хабардор қилиш, шунингдек, уларнинг йиғилишдаги иштирокларини таъминлаш туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи, тегишли мажмуа ва гуруҳлар томонидан амалга оширилади.

8. Фаоллар йиғилишига туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлиги мажмуа, гуруҳ ва бўлим раҳбарлари, туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, молия бўлими бошлиғи, банк тизимидаги раҳбарлар, ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи (заруриятга қараб ходимлари ҳам), касаба уюшмалари туман Кенгаши раиси, оммавий ахборот воситалари вакиллари, корхона, ташкилот, қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари доимий равишда, бошқа турдаги корхона раҳбарлари эса заруриятга кўра таклиф этилади. Бошқа мансабдор шахслар йиғилишга фақат уларга дахлдор масалалар бўйича таклиф этиладилар.

9. Йиғилиш материаллари туман ҳокимига йиғилишдан камида 3 кун, туман ҳокими ўринбосарлари ва таклиф этилган бошқа мансабдор шахсларга тегишли масалалар бўйича материаллар эса 2 кун олдин тарқатилади.

Кун тартиби ва йиғилиш материалларини тарқатиш, йиғилишларда доимий равишда қатнашадиган туман идораларининг раҳбарларини хабардор қилиш, таклиф этилганларни рўйхатга олиш ва йиғилишни ўтказишга хизмат кўрсатиш туман ҳокимлиги тегишли мажмуа ва гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Бу борадаги ишларни Ташкилий- назорат гуруҳи мувофиқлаштиради.

10. Туман фаоллари йиғилишида масалалар туман ҳокимининг ўринбосарлари, бўлим, идоралар, ташкилотлар, муассасалар, давлат ва хўжалик органлари раҳбарлари, туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари раҳбарлари томонидан баён килинади.

Туман фаоллар йиғилишининг иш тартиби (регламенти), маъруза қилиш, қўшимча маъруза ва нутқлар, ахборот бериш учун ажратилган вақт фаоллар йиғилишини олиб боришда белгилаб олинади.

11. Йиғилишда қарорлар туман фаолларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Йиғилиш тамом бўлгандан кейин қабул қилинган қарорнинг аниқ ифодаланган матни йиғилишни тайёрлаган мажмуа раҳбари томонидан визаланади ва фаоллар йиғилиши баёни туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи ва ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича йиғма бўлими томонидан тайёрланади. Йиғилиш баёни раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Туман фаоллари йиғилишида қабул қилинган ҳужжатлар, қарор, фармойиш ёки йиғилиш баёни (қарор) шаклида бўлади.

Шошилинч тусдаги масалалар бўйича туман ҳокимлиги туман фаоллари йиғилиши баёнида қайд этиладиган қарорлар қабул қилиши мумкин. Бундай қарорлар ижрочиларга йиғилиш баёнидан кўчирма ҳолида етказлади.

Йиғилиш тамом бўлгач қарорлар, фармойишлар, мажлис қарорлари ҳамда тегишли бошқа материаллар тегишли тартибда сақланиши учун туман ҳокимлиги канцеляриясига топширилади.

## V. Туман ҳокимининг қарор ва фармойишларини расмийлаштириш, тарқатиш ва кучга киритиш

1. Туман ҳокими қарорлар ва фармойишлар қабул қилади. Туман ҳокимининг меъёрий ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қарор шаклида чиқарилади. Шошилинч ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар туман ҳокимининг фармойиши, топшириғи ёки йиғилиш баёни шаклида чиқарилади.

2. Туман фаоллари йиғилишида муҳокама этиш давомида билдирилган мулоҳазалар, қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритилган қарор лойиҳалари туман ҳокимлигининг тегишли мажмуа ва гуруҳлар ёки мажлисда тузилган комиссиялар томонидан пухта ишланиб, бошқа муддат белгиланган бўлмаса йиғилишнинг эртанги куни имзолаш учун тақдим этилади. Лойиҳаларга киритиладиган ўзгартиришлар туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими ҳамда юрисконсульт билан келишилади.

3. Туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари имзоланган сана бўйича расмийлаштирилади ва ҳокимлик мажмуа ва гуруҳлари томонидан тузиладиган тарқатиш рўйхати бўйича ижрочиларга канцелярия орқали дарҳол етказилади. Туман ҳокимининг меъёрий тусдаги қарорларида уларни кучга киритиш муддатлари кўрсатилади, бошқа ҳолларда улар имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

4. Туманда кенг ва тезкорлик билан таништириш зарур бўлганда қарор ва фармойишлар туман ҳокимининг топшириғига биноан туман газеталари орқали эълон қилинади.

5. Туман ҳокимининг умуммажбурий тусдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда тегишли адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганидан сўнг албатта туман ҳокимлигининг расмий нашрида эълон қилинади.

## VI. Туман ҳокимлигининг доимий, вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органлари

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва давлат бошқаруви олий органлари қарорлари ижросини таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорларини ҳаётга тадбиқ этишга кўмаклашиш, туман ҳокимлиги қабул қилган ҳужжатларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш ҳамда бу борада корхона, ташкилот ва хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида туман ҳокимининг қарорлари билан махсус комиссиялар тузилиши мумкин.

Туман ҳокимлиги уларнинг вазифалари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

2. Давлат ва хўжалик бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, туман ҳокимлиги хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан, шунингдек, туман ҳокимлигининг алоҳида топшириқларини бажариш учун туман ҳокимлигининг вақтинчалик комиссиялари ва ишчи органлари тузилиши мумкин.

3. Туман ҳокимлигининг доимий, вақтинчалик комиссияларининг ҳамда ишчи органларининг ҳужжат ва қарорлари мажлис баёнлари билан расмийлаштирилади ва ишчи органларининг мажлис баёнлари уларга бошчилик қилаётган раҳбар томонидан имзоланади.

4. Доимий комиссиялар томонидан кўриб чиқиши лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда комиссиялар қарорларининг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Зарурат бўлганда бу ҳужжатларни тайёрлашга туман бўлим, корхона, ташкилот, муассаса ва идораларнинг мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

5. Туман ҳокимлигининг махсус, вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органларининг мажлислари туман ҳокими томонидан тасдиқланадиган йилнинг ҳар чорак режалари асосида ўтказилади. Комиссиялар ва бошқа ишчи органларнинг режадан ташқари мажлислари ҳоким ўринбосарлари, мажмуа раҳбарлари таклифларига кўра туман ҳокимининг розилиги билан ўтказилади.

## VII. Туман ҳокимлигида бошқа масалаларни кўриб чиқилиши

1. Давлат бошқаруви олий органлари директив ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан туман ҳокимлигига юборилган қарор, фармойиш ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш бўйича топшириқлар туман ҳокими томонидан ҳужжат олинганидан бошлаб 2 кун мобайнида тайёрланади.

2. Бошқармалар, идоралар, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимликларидан тушган хатлар ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли мажмуа ва гуруҳлар иштирокида кўриб чиқилади ва тушган вақтидан бошлаб 24 соат мобайнида бажарилишини таъминлаш юзасидан топшириқ тайёрланади.

3. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, бир неча бўлимлар, идоралар, ҳудудлар манфаатларига таллуқли, хорижий компаниялар (қўшма корхоналар ва бошқалар) билан келишиб олишни талаб қиладиган ҳужжатлари бўйича ижро муддати, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, 10 кунгача этиб белгиланади.

4. Агар топшириқ бир неча ижрочига таалуқли бўлса, у ҳолда уни бажарилишини таъминлаш, бу борада тегишли мажмуа ва гуруҳлар, бўлим, идора, корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш топшириқда биринчи ёзилган (ёки "чақириқ" этиб белгиланган) мансабдор шахс зиммасига юкланади. Ижрочилар топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши учун тенг жавобгардирлар. Бажариш муддатлари фақат топшириқни имзолаган раҳбар томонидан узайтирилиши мумкин.

5. Топшириқда қўйилган масалалар ҳал этилган ёки асосий масала бўйича жавоб берилганда, у бажарилган ҳисобланади.

## VIII. Туман ҳокимлиги томонидан назорат қилиш ваколатларини амалга оширилиши

1. Туман ҳокимлиги ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича бўлим, ташкилот ва корхоналар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолияти устидан доимий назоратни амалга оширади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг қарорлари, фармойишлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарорлари, вилоят фаолларининг йиғилишлари қарорлари, туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорлари, туман фаолларининг йиғилишлари қарорларининг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари томонидан амалга ошириладиган қуйидаги тадбирлар билан таъминланади:

туман тармоқлари ва ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳум ва устивор масалалари, шунингдек узоқ даврга мўлжалланган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тасдиқланган муддатларда тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

бажарилишини бевоста туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари, бўлим, корхона, ташкилот, муассаса ва идораларида мақсадли ўрганиш;

туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари, бўлим, корхона, ташкилот, муассаса ва идораларида юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни бажариш юзасидан мажлисларда кўриб чиқиш;

туман тармоқлари ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини комплекс ўрганиш, туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишларида уларнинг якунларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туман ҳокимларининг қарорлари ва фармойишларида қўйилган вазифалар ўз вақтида тўлиқ амалга оширилишини таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шахсий жавобгарлик чораларини кўриш.

Туман ҳокимлиги бошқарув аппаратида назорат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Ташкилий-назорат гуруҳи ва канцелярия томонидан амалга оширилади.

Республика раҳбарияти топшириқлари, Ҳукумат, вилоят ва туман ҳокимларининг қарорларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари – мажмуа ва гуруҳ раҳбарлари томонидан таъминланади.

3. Туман ҳокимлиги мунтазам равишда бўлим, корхона, ташкилот, муассаса ва идоралар раҳбарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича топшириқларни қандай бажарилаётганлиги, туман бюджети ижроси, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органлари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб боради ва уларнинг сўзсиз руёбга чиқарилишини таъминлаш чораларини кўради.

4. Бажарилган қарорларни назоратдан чиқариш тўғрисидаги қарор туман ҳокими томонидан қабул қилинади.

5. Туман ҳокимлиги ҳудудий даражада ўтказиладиган мажлислар ва йиғилишлар сонини қисқартириш, ушбу тадбирларнинг сифати ва натижадорлигини, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш ҳисобига ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўради.

## IX. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хатлари, аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда уларни қабул қилиш

1. Туман ҳокимлиги аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг хатлари, аризалари, таклифлари ва шикоятлари билан ишлаш ҳамда уларни қабул қилиш тартиби туман ҳокимининг 2015 йил 10 апрелдаги 173-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб борилади, бунда туман ҳокимлиги канцелярияси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича асосий бўлинма ҳисобланади.

2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хатлари, аризалари, таклиф ва шикоятлари билан ишлаш ҳамда келувчиларни қабул қилишни ташкил этиш учун масъулият туман ҳокимлиги канцелярияси, мажмуа ва гуруҳ раҳбарлари, ҳоким ёрдамчиси зиммасига юкланади.

## X. Иш юритиш

**1.** Туман ҳокимлиги аппаратида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш Тошкент вилояти ҳокими томонидан 2014 йил 24 февралда тасдиқланган 1/6-4-924-сонли Йўриқномага (Туман ҳокимлиги иш тартиби) мувофиқ амалга оширилади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 3- илова

**БЕКОБОД ТУМАНИ ҲОКИМИ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ ЎРТАСИДА ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТИ**

**I. Туман ҳокими**

1. Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган ваколатларини якка бошчилик асосида амалга оширади.

2. Туман ҳокими туманнинг тегишли вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ваколати доирасида Тошкент вилояти ҳокими ва халқ депутатлари туман Кенгаши олдида ҳисобдордир.

3. Туман ҳокими халқ депутатлари туман Кенгаши билан биргаликда туман учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, халқ депутатлари Тошент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокими қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини туманни бошқаришга жалб этишни таъминлайди

4. Туман ҳокими ўз ваколатларини амалга оширишда:

қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокими ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

туман иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, туман бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни халқ депутатлари Кенгашига тақдим этади;

халқ депутатлари туман Кенгашига туман ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади;

ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокими қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий

жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни кўриб чиқади ва таклифлар киритади;

республика ва хорижда туманнинг расмий вакили сифатида иш кўради;

аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқади;

уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни қўпол равишда бузган ҳолларда коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилади.

5. Туман ҳокими режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, туман мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

6. Туман ҳокими:

заруратга қараб, аммо бир йилда камида икки марта халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясини чақиради, сессияларга раислик қилади, кун тартибига киритиладиган масалалар юзасидан таклифлар беради, Кенгаш қарорларига имзо қўяди ва тасдиқлайди;

иш фаолияти юзасидан бир йилда бир марта халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот беради.

7. Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни бошқариш ва ташкил этишга шахсан мутасаддилик қилади, бунда тегишли ваколатларини ҳоким ўринбосарларига топшириқлар бериш орқали ҳам амалга ошириши мумкин.

**Қуйидаги туман ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва бирга иш олиб боради:**

МХХ Зафар бўлинмаси;

Бекобод тумани прокуратураси;

Бекобод тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти;

Бекобод тумани ички ишлар бўлими;

Бекобод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди;

Бекобод туманлараро жиноят ишлари бўйича суди;

Ойбек божхона пости;

Бекобод тумани мудофаа ишлари бўйича бўлими;

9226-ҳарбий қисм;

Бекобод шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими;

Бекобод туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими;

Бекобод тумани адлия органлари (ФҲДЁ, Натариус, Ягона дарча);

Бекобод тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши;

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман вакиллиги, ҳомийлик кенгашига раислик қилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (банклардан ташқари).

**<u>Туман ҳокими қуйидаги Кенгаш, комиссия ва гуруҳларга раислик қилади:</u>**

Наркотик моддаларни назорат қилиш туман комиссияси;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман идоралараро комиссияси;

Туман бошқарув тизимида раҳбар лавозимларига тавсия этиш ва кадрлар заҳирасини шакллантириш ишчи гуруҳи.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштириш туман Кенгаши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3434-сон Фармонини амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлар Дастурини амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи доимий комиссия;

Туман ҳудудида барқарорликни таъминлаш ва жиноятчиликни олдини олиш ишларини мувофиқлаштирувчи доимий комиссия;

**II. Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, вилоят қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутаттари Бекобод туман Кенгашини қарорлари, Бекобод туман ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Бекобод туманининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари фаолиятини бошқаради ва Бекобод туманини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол муаммоларини ҳал этиш чораларини кўради.

Мажмуа таркибидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ туманни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш:

туманнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, инвестиция, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, экспорт, инфиляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрллрпни асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзага келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усулларини жорий этиш;

иқтисодиёт масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга ошириш;

тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожланиш, бунда ҳудудлар кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш. таркибий ўзгартириш ва диверсификацилашни амалга ошириш, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қилиш;

иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, инвестнция, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалигини барча соҳасини, айниқса пахта толаси ва мева-сабзавотни қайта ишлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни кафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда

туманнинг маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширишни таъминлаш;

кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, республика, вилоят ва туман маҳаллий бюджетига тушумлар ҳажмини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияеи ҳажмини босқичма-босқич қисқартириш ва бартараф этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бу соҳани индустриялашган тармоққа айлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилинишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг қишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечириши учун пенсия ва нафақалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига накд пул тўловларини ўз вақтида амалга оширишни янги механизми ва тизимини жорий қилиш;

ҳудуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-хомашёни ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга оширади;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлайди;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча саноат корхоналарига, бирлашма ва корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига, саноат корхоналари ривожланишини таъминлаш ишларига раҳбарлик қилади.

саноат ишлаб чиқариши инфратузилмасини ривожлантиришга оид таклифларни кўриб чиқади ва назорат қилади;

ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳалари дастурларини ҳамда туман бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириршни назорат қилади;

туман бюджети ижросини таъминлаш борасида барча иқтисодий масалалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга, инновацион ривожланиш механизмини изчил жорий этишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бандликни, аҳоли даромадлари ўсишини ва ҳаёти даражаси ошишини таъминлаш чораларини кўради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, бошқа

ташкилотларнинг, биринчи навбатда, экспоот тузилмасида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш бўйича минтақавий дастурларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва уларни жаҳон ҳамда минтақа бозорларига киритиш, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишнинг кўпайтирилиишни рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг таркибини такомиллаштнриш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва ўз вақтида ишга тушириш ҳамда ишлаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялашни таъминлаш, шунингдек уларни амалга оширишга хорижий инвсетицияларни жалб этиш ишларини фаол бажаришини ташкил этади;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига туман иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш чораларини кўради;

туман иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади;

ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштиришнн таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш чораларини кўради;

қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгантириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада ислоҳотларнинг стратегик вазифаларига ва устувор йўналишларига мувофиқ илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланиш чораларини кўради;

истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

чакана ва улгуржи савдони, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишшнг янги шакллари ва усулларнни кенг жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

Бекобод тумани ҳокимлиги тармоқ мажмуалари ўртасидаги хўжалик-шартномавий ва кредит-молиявий муносабатларни мувофиқлаштиради. Туманнинг кредит ва валюта ресурсларини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан уларни сарф этилиши устидан назоратни амалга оширади;

соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш борасида давлат статистикасининг ишончлилигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

ташқи иқтисодий алоқалар борасидаги фаолиятни кенгайтиришга, инвестнцияларни, жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишга имконият яратади;

қимматбаҳо қоғозлар бозорида корхоналар акциялар пакетларини сотиш ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди;

туманга ташриф буюрган олий мартабадаги расмий делегацияларни кутиб олиш ва кузатиш билан боғлиқ бўлган маросимларни ташкил этишда иштирок этади;

савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини

ривожлантириш, бозорни халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишни яхишлаш каби масалалар билан шуғулланади;

туманда жойлашган деҳқон ва буюм бозорларнинг ишини такомиллаштириш, ривожлантириш юзасидан ташкилий-услубий тадбирларни амалга оширади. Мажмуа тасарруфидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади. Заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

туман ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади;

ўз ваколати доирасида Тошкент вилояти органларида туман ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

***Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:***

- Туман ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуаси;
- Туман ҳокимлиги Молия бўлими;
- Туман иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бўлими;
- Туман Давлат солиқ инспекцияси;
- Туман Статистика бўлими;
- Бандликка кўмаклашиш маркази;
- Бекобод деҳқон бозори ;
- Мулкчилик шаклидаги қатъий назар барча банклар, суғурта корхоналарининг туман бўлимлари ва филиаллари;
- Туман тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона дарча маркази;
- Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бекобод тумани бўлими;

**Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чикариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси туман вакили;

Бекобод тумани ғазначилик бўлинмаси;

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Бекобод тумани ҳудудий бирлашмаси ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан;

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бекобод тумани бўлими;

***Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:***

- Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш туман комиссияси;
- Туманда ер участкаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун (реализация қилиш)танлаш ва ажратиш бўйича доимий ишловчи комиссияси;
- Туман пул-кредит сиёсати комиссияси;
- Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджет тўловларини интизомини мустаҳкамлаш бўйича комиссияси;
- Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхонларини тугатиш бўйича махсус комиссия;
- Маҳаллий хом-ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари бўйича туман махсус комиссияси;
- Экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи туман Кенгаши;
- Алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилишга руҳсат бериш комиссияси;

## III. Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари.

Туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари мажмуаси фаолиятига тегишли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

**Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари:**

туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари мажмуасига бевосита раҳбарлик қилади;

туманда саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари фаолиятини бошқаради;

мажмуа таркибидаги бўлим, корхона, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

туманнинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-хомашёни ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга оширади;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлайди;

туманда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш чораларини кўради;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга оширади;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

қурилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривжлантириш чораларини кўради;

муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича чоралар кўради;

кўрсатилаётган уй-жой ва коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади;

аҳолини сифатли ичимлик сув билан ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими билан таъминлаш чораларини кўради;

аҳоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжаликни ривожлантириш чораларини кўради;

капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қурилиш субъектлари ўртасида бозор муносабатларини жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материаллари бозорини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

туманнинг меъморий кўриниш ва қурилиш соҳасидаги ягона сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди;

туманнинг маъмурий қурилиши ва қайта қурилиши бош режасини, туман ривожининг дастури, унинг муҳандислик инфраструктураларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритишга раҳбарлик қилади;

қурилиш маҳсулотлари ва қурилиш сифатини назорат қилувчи давлат ва идоравий органларнинг ишини мувофиқлаштиради;

туман қурилиши ва меъморчиликнинг сифат даражасига бўлган замонавий талабларга амал қилиниши, капитал тушумларнинг самарасини кўтариш билан бирга инвестиция жараёни муддатларини қисқартириш назоратини таъминлайди;

капитал қурилиш ва бинокорлик материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишни назорат қилиб боради;

капитал қурилишни моддий-техника таъминоти ва уларни маблағ билан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

туман хўжалигининг барча соҳалари бўйича марказлаштирилган манбалар ҳисобидан капитал қурилиш иншоотларини молиявий таъминоти учун ажратиладиган пул маблағлари харажатини назорат қилишда иштирок этади;

вилоят ҳокимлиги топшириқларига кўра қабул ҳайъатларининг иши, таркиби масалаларини кўриб чиқиб, алоҳида иншоотлар бўйича ҳайъат ишида қатнашади;

вилоят ҳокимлиги топшириқларига кўра қурилиш комплексида пудрат, лойиҳа ишларига бўлган давлат буюртмасини тендер асосида жойлаштиришни, шунингдек унинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

туманда ер ва шаҳарсозлик давлат кадастрларини шакллантириш ва юритиш бўйича ташкилий ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширади;

уй-жой коммунал хизмати ва энергетика мажмуасига раҳбарлик қилади. Ушбу тармоқ меҳнат жамоаларининг ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал қилади. Туман уй-жой фонди, коммунал ва ёқилғи-энергетика хўжалигини ривожлантириш, улардан фойдаланиш тармоқлараро ва идоралараро бошқаруви масалалари билан шуғулланади. Туман истеъмолчиларини электр, иссиқлик энергиялари, газ ва ичимлик сув таъминоти, канализация тармоқларидан фойдаланишининг келишилган ягона тизимининг амалга оширилишини мувофиқлаштириб боради ва унинг бажарилишини назорат қилади;

табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш, атроф муҳитни кўркамлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча саноат корхоналарига, корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига, саноат корхоналари ривожланишини таъминлаш ишларига раҳбарлик қилади;

саноат ишлаб чиқариши инфратузилмасини ривожлантиришга оид таклифларни кўриб чиқади ва назорат қилади;

мажмуа тасарруфидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда вилоят раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар беради, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқарув органларига юборади, уларни ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни қабул қилишни амалга оширади;

туман ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди;

ўз ваколати доирасида Тошкент вилоят органларида туман номидан вакиллик қилади;

қонун ҳужжатларига, ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифалар тақсимотига мувофиқ ва туман ҳокимининг топшириқларига кўра бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

***Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:***

Архитектура бўлими;
“Бекобод туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси;
“Сувоқава” давлат унитар корхонаси;
“Зафар электр тармоқлари” корхонаси;
Бекбод туман газ таъминот участкаси;
Уй-жой комунал хўжалиги бўлими;
Табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси;
“Тоза худуд” ДУК;
Бекобод туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари;
“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Тошкенттелеком” Бекобод тумани филиали;
“Кучлик” нефть базаси унитар корхонаси Бекобод филиали;
“Компьютерлаштириш маркази” ДУК;

**Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:**

Туман иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бўлими;
Бекобод авто йўл корхонаси;
Бекобод ободонлаштириш бошқармаси;
Саноат ҳамда қўшма ва кичик корхоналар;

***Қуйидаги комиссияларга раислик қилади:***

Туман ҳудудида газ ва электр ускуналаридан фойдаланишда ёнғинлар ва портлашларни олдини олиш комиссияси;

Туман ҳудудида йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш комиссияси;

Туманда радиациявий аварияларни прогнозлаштириш, барвақт аниқлаш ва харакат қилиш ягона давлат тизимига раҳбарлик қилувчи туман идоралараро комиссияси;

Нефт махсулотларини автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси;

Ёқилғи-энергетика манбаларидан фойдаланиш ва уларни тежаш туман комиссияси;

Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича туман мувофиқлаштириш комиссияси;

Уй-жой коммунал хўжалигида ислоҳотларни олиб бориш Дастурининг бажарилиши ва тарифларини ўсиш ёки камайиши бўйича мониторинг ўтказувчи туман комиссияси;

Шаҳарсозлик қонунига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ишчи гурух;

Туман ҳудудида шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (туман ичида) йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси;

Туман қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш бўйича тузилган дастурнинг бажарилишини назорат қилиш комиссияси;

Туманда жисмоний ва юридик шахсларга ер қонунчилиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида ер участкаларини бериш амалиётини ўрганиш бўйича доимий ишловчи комиссияси;

Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисаларини хавфини камайтириш бўйича туман комиссияси;

**IV. Туман ҳокимининг ўринбосари-қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, Тошкент вилояти ҳокимлиги қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши қарорлари, Бекобод тумани ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таьминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Туманнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари фаолиятини бошқаради.

Мажмуа таркибидаги корхона, ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлатьтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлайди;

деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилншинн мувофиқлаштиради;

қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўради;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ишларини ташкил этади;

ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори махсулдор тут ипак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни кўпайтиради;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланиши таьминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш:, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлокда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларнни амалга оширади;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарига, бирлашма ва корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига, қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари ривожланишини таъминлаш ишларига раҳбарлик қилади.

қишлоқ ва сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлангиришга оид таклифларни кўриб чиқади ва назорат қилади;

агросаноат комлекси соҳасига оид корхона ва ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш, бу борада тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш, хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш;

агросаноат комплекси тизимидаги бошқарма ва ташкилотларнинг тартиб ва меҳнат интизомига риоя қилишини таъминлаш;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш. жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда вилоят ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади. Заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

ҳокимнинг қабул қиладиган қарор, фармойиш ва ҳужжатларини лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашда Бекобод тумани иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бўлими билан ҳамкорлик олиб боради;

Туман ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларда туман ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

***Куйидагилар фаолиятини мувофикдаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:***

Туман ҳокимининг ўринбосари-қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи;
- Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими;
- Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими;
- “Чирчиқ-Оҳангарон” ирригация тизими Бекобод туман бўлими;
- “БекободАгросервис МТП” масъулияти чекланган жамияти;
- “Агролизинг” акциядорлик жамияти туман филиали;
- Далварзин пахта тозалаш заводи;
- Туман “Агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти;
- Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман Кенгаши;
- “Тошкент Агро-Пилла” масъулияти чекланган жамияти туман филиали;
- Туман Давлат ветеринария бўлими;
- Туман экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси;
- “Давтехназорат” инспекцияси;
- Ўсимликлар карантини давлат инснекцияси;
- “Тошкент озуқа ем таъминоти” масъулияти чекланган жамияти;
- “Оҳангарондон” акциядорлик жамияти;
- “Ўзгидромет” маркази туман бўлинмаси;
- “Давуруғназорат” маркази;
- “Агрокимё” станцияси;

**Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:**

- “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик жамияти;
- “Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик жамияти;
- “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти;
- “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти;
- “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти;
- Мажмуа фаолиятига алоқадар бўлган бошқа ҳамкор ташкилотлар билан.

**V. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий- маърифий ишлар бўйича ўринбосари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республиксининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентинииг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, Тошкент вилояти ҳокимлиги қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши қарорлари, Бекобод тумани ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора- тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Бекобод туманида ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар мажмуа фаолиятини бошқаради.

Мажмуа тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда мувофиқлаштиришни таъминлайди.

**1.Ёшлар сиёсати соҳасида:**

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан қамраб олиш ва ёшлар, уюшмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тадбиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш оилаларнн ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касбга йўналтириш ва уларни кейинчалик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида ўқиш билан тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

академик лицейлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларни ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш, истеъдодли ёшларни қамраб олиш, ўқув жараёни сифатини ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўқув жараёни сифатини, ўқувчи-талабаларнинг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва ота-оналарни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштириш;

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб килиш,

“оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технологиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишнинг илғор кўникмаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазлари ва таклифларини инобатга олган ҳолда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўгаракларга, шу жумладан, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қамраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятини қарор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтиришга, баркамол авлод тарбиясида “оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюшмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюшмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайерлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чораларини кўриш.

ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдигаи ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ишларини телгишли берилган ваколат доирасида таъминлаш;

ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигиии оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни тегишли масъул идоралар билан ҳамкорликда ташкил этиш;

ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига кўмаклашиш;

иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратилишида иштирок этиш;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, жисмоний соғлом ва ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш чораларини кўради;

**2. Ижтимоий ривожлантириш соҳасида:**

аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, ҳаёт ва меҳнат фаолияти, малакали тиббий ёрдам олиш, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, дам олишини ташкил этиш учун қулай ташкилий- ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ҳамда сифат

жиҳатидан янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида ҳудудларда ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини мониторинг қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдамни кафолатлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш;

қишлоқ-врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон ва бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнини ташкил этиш, оилаларни патронаж тизими билан тўлиқ қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш, туғма ва ирсий касалликларни олдини олиш, ривожланиш нуқсони бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

аҳолига ташхис қўйишнинг замонавий усулларини жорий этиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш, жаҳон стандартлари даражасидаги энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усулларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган тадбирлар ижросини таъминлаш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминот даражасини ошириш, маҳаллий фармацевтика саноатига инвестициялар киритиш учун чет эл етакчи компаниялари ва инвесторларини жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, оналар ва болалар соғлиғи муҳофазасини таъминлаш, қишлоқ врачлик пунктларининг, диагностика, перинатал ва скрининг-марказларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, спортни оммавийлигини ошириш, қизлар ўртасида спортни ривожлантириш, барча ҳудудлар,: айниқса энг чекка маҳаллаларда халқаро талабларга жавоб берадиган моддий-техник базага эга замонавий спорт иншоотларини барпо этиш;

аҳолининг турмуш маданиятини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган таълим, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, бандлик, маиший хизматлар кўрсатиш, маданият, санъат ва спорт соҳалари муассасаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора- тадбирларни амалга ошириш;

маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари, фуқаролик жамиятини бошқа институтлари, оммавий ахборот воситаларининг тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижросини мувофиқлаштириш.

2. **Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:**

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг. устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш;

аҳолининг маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида ҳудудда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъй назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш;

аҳолининг маънавий-аҳлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва қадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ишларига раҳбарлик қилиш;

туманда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, тадбирларнинг мақсадли, режали, тартибли ташкил этиш ва тарбиявий самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларга раҳбарлик қилиш;

аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, мурувват ва ҳиммат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳудудда ташкил этиладиган чора-тадбирлар мазмуни, самарадорлигини таҳлил қилиш, соҳаларнинг тизимли фаолиятини ташкил қилиш;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни тегишли идоралар ишини мувофиқлаштириб амалга оширади;

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла институтининг аҳамияти тўғрисида аҳолини, айниқса ёшларни кенг хабардор қилиш, шунингдек энг аввало, камол топаётган авлодни маънавий- аҳлоқий тарбиялаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;

кексаларга ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига манзилли ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, одамларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва

ҳудудларни ободонлаштиришда маҳаллаларнинг фаолиятини ҳар томонлама ёритиш бўйича тизимли ишларни оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ташкил этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йиғинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этади;

фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фондининг ҳудудий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курсларида фуқаролар йиғинлари ходимлари малака оширишларини таъминлайди;

фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлайди, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш ишларни ташкил этади;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини хамда масъул идоралар томонидан оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштиради;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий, маданий ва маънавий меросни эҳтиётлаб асраш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, шунингдек маданият, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида туманда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериш учун мўлжалланган турар-жойларнинг қатъий ҳисоби олиб борилишини ҳамда уларни турар-жойлар билан таъминлаш тўғрисидагн ҳужжатларнинг ўз вақтида ҳолисона кўриб чиқилиши, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар-жой берилишида қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

бандлик ва аҳолининг ижтимоий таъминотини ташкил этиш;

туманда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш (яъни ҳамкорлик қилиш), даврий нашрларга обунани ташкил этиш;

мажмуа тизимига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда туман ҳокимига таклифлар киритади;

мажмуа тизимидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритиш, заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этиш;

3. Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар соҳасида:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон зркшшиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳдл этишда давлат сиёсатини олпб боради;

давлат! органларининг Тошкент вилоятада жойлашган жамоат ташкилотларн ва диний ташкил отлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигнни таъминлаш чораларини кўради;

қонун: ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотлариинг мапфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлигини ва диний таш1*шлотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилади;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

маънавий ва миллий қадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт гояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкордишни мувофиқлаштиради;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор тоитиришга, миллатлараро муносабатлар маданнятини ривожлантирншга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рагбатлантириш, мунофнқлаштнриш ва тақднрлаш чора-тадбнрларини кўрадн;

Ўзбекистон фахрийларипи ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамкармасининг, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлариннинг минтақавий тузилмалари фаолиятига кўмаклашади;

Тошкент вилоятида дин билан боғлиқ аҳвол, миллатлараро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам ўрганиш, уларни янада соғломлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

диний ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, миллпй маданият маркфшари ва дўстлик жамиятларининг ҳудудий тузилмалари томонидан Ннзомда белгиланган в;ззифаларнинг самарали бажарилишига кўмаклашади ва уларнинг фаолиягшш мувофиқлаштиради;

маънавий-маърифий йўналишда тарғибот ишларини ташкил этишда ҳамкорлик қилади;

мажм)ф таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайиплаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳам)ца марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади;

диний ркстремизм ва миссионерлик фаолияти ғояларининг тарқалишига қарши тушунтириш ҳамда профилактика ишларини ташкил этишни мувофиқлаштиради;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истшфслли кадрлар заҳирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади. Заҳирага киритилган номзодларпи тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

Бекобод тумани ҳокимининг мажмуа фаолиятига оид қарори ва фармойишлари

лойиҳаларини келишиш учун имзолайди;

ҳокимнинг қабул қиладиган қарор, фармойиш ва ҳужжатлари лойиҳаларини сифатли тайёрлашда тегишли мажмуалар билан ҳамкорлик олиб боради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш, тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш.

ўз ваколати доирасида Тошкент вилояти органларида Бекобод тумани ҳокимлиги номидан вакиллик қилиш.

***Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:***

- Туман ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуи;
- Туман халқ таълими бўлими;
- Туман мактабгача таълим бўлими;
- Туман ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари;
- Туман Тиббиёт бирлашмаси;
- Туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази;
- Туман маданият бўлими;
- Туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси;
- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши;
- Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди туман бўлими;
- “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти туман Зафар филиали;
- “Бекобод овози” газетаси тахририяти;
- Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти туман Кенгаши;
- “Илҳом” ижодкорлар клуби.
- Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Бекобод тумани бўлими ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан;
- Туман касаба уюшмалари ташкилотлари Кенгаши;
- Туман “Нуроний” жамғармаси бошқарув Кенгаши;
- Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими;
- Мажмуа фаолиятига алоқадар бўлган бошқа ҳамкор ташкилотлар билан.

**Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:**

- Туман ички ишлар бўлими;
- Туман бандликка кўмаклашиш маркази.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси;
- Нодавлат нотижорат ташкилотлар;
- Мажмуа фаолиятига тааллуқли масала бўйича бошқа давлат ва жамоат ташкилотлар.

***Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:***

- Туманда оммавий тадбирларни назорат қилувчи комиссияси;
- Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия;
- Фавқулодда эпидемияга қарши кураш туман комиссияси;
- Ҳарбий ва муқобил хизматга чақирув ҳамда Қуролли кучлар сафидан

бўшатилганларни ишга жойлаштириш комиссияси;

- “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш ва топономик объектларга ном бериш туман комиссияси;

- ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши курашиш тадбирларини мувофиқлаштириш туман комиссияси;

- Маънавиятни соғломлаштириш тадбирларини мониторинг қилиш ва ўтказиш комиссияси;

- Туман ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияси;

- Туман муборак “Хаж” ва “Умра” зиёратига бориш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия;

- Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-гадонрларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича туман мувофиқлаштирувчи гуруҳи.

## VI. Туман ҳокимининг ўринбосари - хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари - Хотин-қизлар қўмитаси раиси (кейинги ўринларда туман ҳокими ўринбосари деб аталади) фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида” 2016 йил 14 декабрдаги ПҚ-2679-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 сентябрдаги қарорларига мувофиқ функционал вазифалари билан белгиланади.

Туман ҳокими ўринбосари туман ҳокимига ҳисобот беради.

Туман ҳокими ўринбосари ўз фаолиятида Узбекистон Республикаси Конституцпяси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Бекобод тумани ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига амал қилади.

Туман ҳокими ўринбосарининг фаолияти хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, оилаларда ижтимоий- маънавий муҳитни соғломлаштиришга, аёлларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган.

Туман ҳокими ўринбосари мақомига кўра Бекобод тумани ҳокимлигининг Бошқарув аппарати таркибига киради.

Туман ҳокими ўринбосари Бекобод тумани ҳокимининг йиғилишларида иштирок этади.

**Туман ҳокими ўринбосарининг вазифалари ва функционал мажбуриятлари.**

Қуйидагилар туман ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

***а) хотин-қизларнииг ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш соҳасида:***

хотин-қизларнинг мақомини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, оилада ва жамиятда ҳуқуқий маданиятини, ролини ошириш;

давлат ва жамоатчилик органларини жалб этган ҳолда ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб ҳаётий шароитлар яратиш соҳасида комплекс тадбирларни амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

хотин-қизлар масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш ва тушунтиришда, уларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш;

қизларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш, талантли, иқтидорли қизлар заҳираси билан тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш;

амалий ишларда тажрибага эга бўлган ташаббускор қизлар орасидаи кадрлар заҳирасини шакллантириш ва тегишли раҳбарлик лавозимларига уларнинг номзодларини тавсия этиш тизимини йўлга қўйиш;

хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти шаффофлнгини таъминлаш, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-

иқтисодий ҳаётИдаги фаол иштирокига кўмаклашиш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш;

хотин-қизлар қўмиталари ва фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида хотин-кизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини, уларнинг оилаларини муҳофаза қилиш ишларида ижтимоий шерикликни кенгайтириш, хотин-қизларга манзилли ижтимоий ёрдам бериш бўйича ишларни ташкил этиш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, турли лойиҳаларни амалга ошириш кўламларини кенгайтириш;

***б) оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш соҳасида:***

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлашда фаол қатнашиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

хотин-қизлар, энг аввало, оналар ва болаларнинг соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш муҳитини, турмуш маданиятини шакллантириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш, патронат тизимини ривожлантириш ишларини такомиллаштириш;

оилавий ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш, уларни оммалаштириш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларнинг ҳамда жамиятда ҳурматга ва катта нуфузга эга бўлган кексаларнинг ҳаётий тажрибасини фаол жалб этган ҳолда оилавий ажралишларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкил этиш, намунали оилаларнинг ҳаётий намунасини тарғиб қилиш;

оилавий муносабатларни соғломлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, никоҳ шартномаларининг хусусиятлари ва шартлари, фарзандлар тарбияси учун ота-оналарнинг бевосита масъулияти, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ тизимли тарғибот тадбирларини йўлга қўйиш;

маҳаллаларда аёллар ва болалар иштирокида маънавиятни ошириш, уларни ‘оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан, миллий онгимизга хос бўлмаган диний сепаратизм, экстремизм ва терроризм, одамлар савдоси ва бошқа ёт ғоялардан муҳофаза қилиш;

ҳар томонлама камол топаётган ёш авлодни ватанпарварлик, бағрикенглик, эртанги кунга ишонч ва атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга дахлдорлик руҳида тарбиялаш, ёшларнинг мустақил дунёқарашини, кучли ички салоҳиятини, миллий фахрланиш туйғусини ва ахлоқий-маънавий иммунитетини шакллантириш;

***в) хотин-қизларни ишга жойлаштириш, уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида:***

бандлик дастури доирасида хотин-қизларни, айниқса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, улар бандлигининг сифати, доимий иш ўрни билан таъминланганлиги юзасидан амалий назоратни йўлга қўйиш;

хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг ҳолатмни ўрганиш ва наворат қилиш, норасмий иш билан бандликнинг олдини олиш, меҳнат муносабатлари, шу жумладан ҳомиладор аёлларга ҳамда кичик ёшдаги болалари бўлган аёлларга қўшимча имтиёзлар беришда давлат ва нодавлат ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни хоҳлайдиган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратишда кўмаклашиш, берилган имтиёзларни тўғри қўлланиш масалаларини тартибга солувчи, давлат рўйхатидан ва бошқа тартиботлардан ўтиш, меҳнат муносабатларига киришиш

бўйича қонунчилик ҳужжатлари юзасидан тушунтиришлар олишда уларга ёрдам бериш.

Туман ҳокими ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Туман ҳокими ўринбосарлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Туман ҳокимининг топшириқларига биноан республиканинг тегишли ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор вазифалари ва дастурлари бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

Туман ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича мажмуасига бевосита раҳбарлик қилади;

мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар, шунингдек ҳудудлар ва бошқа ташкилотларнинг ўзи мутасаддилик қиладиган масалалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

Туман ҳокими ўринбосари юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича Бекобод тумани ҳокимлигига киритилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнипг амалга оширшшши юзасидан тизимли назорат ташкил этилишини таъминлайди;

Туман ҳокиминипг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларининг экспертизадан ўтказилишини ва сифатли тайёрланишини ташкил этиш масалаларида туман ҳокимлигининг Регламентига мувофиқ тегишли туман ҳокими ўринбосарлари билан ҳамкорлиқ килади;

Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ҳукумат қарорларининг, Тошкент вилоят ҳокими қарорлари, фармойишлар ва топшириқларининг, туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлар ва топшириқларининг корхона, ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

Туман ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича мажмуа бош мутахассиси лавозимига кадрлар танлашни Ташкилий - назорат гуруҳи билан биргаликда амалга оширади;

Мажмуа бош мутахассисини қайта тайёрлаш, унинг малакасини ошириш, уни рағбатлантириш ҳамда унга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

Туман ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича бош мутахассиси вазифасига кадрлар захирасини шакллантириш ишларини тизимли асосда ташкил қилади.

Туман ҳокими бошқарадиган комплексга тегишли комиссия фаолияти ташкил этилипшни ва унинг қарорлари бажарилишини назорат қилади, шунингдек тегишли комиссияларга раҳбарлик қилади.

**Туман ҳокими ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

Туман ҳокими ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга;

Туман ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни корхона ва ташкилотлардан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Корхона ва ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлар ва нодавлат нот ижорат ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинаднган ташкилотлар коллегиал органларининг мажлисларида, шунингдек туман ҳокимининг топшириқлари бўйича - давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг туман ҳокими ўринбосари юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича

ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

бўлим ва ташкилотлар, таълим муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва вакилларини туман ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш;

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва туман ҳокимлиги Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушадиган ҳужжатларни кайтариш.

Туман ҳокими ўринбосарининг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари ва. топшириқлари унинг томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

Туман ҳокими ўринбосарининг ўзи бошқарадиган масалалар бўйича бўлим ва ташкилотлар раҳбарларига топшириқлари белгиланган тартибда бажарилиши мажбурийдир.

Туман ҳокими ўринбосари:

зиммасига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши.

ўзи мутасаддилик қиладиган ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиши ва назорат қилиниши, Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича мажмуаси юритувига кирадиган масалалар бўйича туман ҳокимлигига киритилган таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш;

Туман ҳокимлиги Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган туман ҳокими қарорлари лойиҳаларининг республика давлат манфаатларини, иқтисодий самарадорлигини назарда тутиб ва улардаги масалаларни барча манфаатдор тузилмалар билан боғлаган ҳолда пухта экспертизадан ўтказилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг, Тошкент вилояти ҳокими қарорлари ва фармойишларининг, туман ҳокими қарорлари ва фармойишларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ва вилоят ҳокими ҳамда туман ҳокими топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилиши учун жавоб беради.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

**Туман ҳокими ўринбосари фаолиятини ташкил этиш.**

Туман ҳокими ўринбосарининг ишлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, туман ҳокимлиги Регламентига, тасдиқланган Низомга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ва вилоят ҳамда туман ҳокимининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек шахсий иш режаси ва туман ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликпи ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича мажмуаси иш режаси асосида ташкил этилади.

Туман ҳокими ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг, вилоят ҳокими қарорлари ва

фармойишларининг, туман ҳокими қарорлари ва фармойишларининг, мутасаддилик қилинадиган ташкилотларда амалга оширилиши тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти туман ҳокимининг топшириқларига мувофиқ комплекс ўрганишларин ўтказиш йўли билан, туман ҳокимлигининг ҳар чорак якунига кўра ўтказиладиган йиғилишлари, туман ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масамлари бўйича мажмуаси йиғилишларида ҳисоботларни эшитган ҳолда ташкил этилади.

***Қуйидагилар фаолияпшни мувофицпаштиради ва биргаликда шиларип ташкил этади:***

- "Соғлом авлод учун" жамғармасининг Бекобод тумани бўлинмаси;
- Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Бекобод тумани ташкилоти;
- “Тадбиркор аёл” Ишбилармон аёллар уюшмаси Бекобод тумани бўлими;
- “Саломатлик” маркази;
- “Ногиронлар жамияти”нинг туман бўлими;
- “Ҳунармандлар” уюшмаси Бекобод туман бўлими:

***Қуйидагилариинг иш фаолиятини ташкил этади:***

- Зулфия номидаги Давлат мукофотига тақцим этиш компссняси;
- Туманда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишлаиган тадбирларни ўтказиш бўйича комиссияси;
- Аҳолинннпг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларнн янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича комиссияси.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 4- илова

**БЕКОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МАЖМУАСИ ТЎҒРИСИДА**
**Н И З О М**

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июлдаги “Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3142-сон қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари мажмуасининг (кейинги ўринларда мажмуа деб аталади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мажмуа ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Тошкент вилояти ҳокими қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари Кенгашининг ва туман ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Мажмуа туман ҳокими ва туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг тегишли ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва ижросини мунтазам равишда назорат қилади.

4. Мажмуа ўз фаолиятини туман ҳокими ва туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

5. Мажмуа ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Тошкент вилояти  ҳокимлиги, халқ депутатлари Бекобод туман Кенгаши, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## II. Мажмуанинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Мажмуанинг вазифалари ҳисобланади:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари ишларини ташкил қилади;

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда мажмуа иш юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва туман

ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди, уларни ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

Бекобод тумани ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилишини таъминлайди;

Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларини комплекс таҳлил қилиш, асосий иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, таркибий ва институционал ўзгартиришлар, маҳаллий бюджет ижросининг тизимли мониторингини олиб боради;

туманда субвенция олишини қисқартириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширади;

тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан ҳудудий бошқарув органларининг масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

туман иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларни амалга оширилишини ташкил этади;

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудий бошқарув органларининг, бошқа ташкилотларда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини янада оширишга доир ишларни мувофиқлаштиради;

Ҳукумат раҳбарияти ва туман ҳокими томонидан белгилаб берган вазифалари ижроси бўйича иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари мажмуасига (кейинги ўринларда мажмуа деб аталади) кирадиган туман Бош корхона, ташкилотлар, мутасадди идоралари раҳбарларига аниқ топшириқлар беради;

иқтисодий тараққиётнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу дастурларни амалга оширилишини мажмуага қарашли корхона, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширади;

Ҳукуматнинг соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда тегишли таклифлар беради, туман ҳокимлигининг қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди ва муҳокама этишда бевосита иштирок этади;

тегишлилиги бўйича соҳаларни ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Тошукент вилояти ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда туман ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил этади;

Мажмуа тизимидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади;

заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларида иштирок этади;

Мажмуа фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрлайди;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида Бекобод тумани ҳокимияти номидан вакиллик қилади.

Бекобод тумани ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7. Мажмуа ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари фармойишлари ва топшириқлари, вилоят ҳокимининг қарорлари фармойишлари ва топшириқлари билан туман ҳокимлигига юкланган вазифалардан мажмуага тегишлиларини бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Тошкент вилояти ҳокими қарорлари ва фармойишлари, туман ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда туманнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарига тақдим этади;

иқтисодий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек туман ҳокимининг топшириқлари бажарилиши бўйича тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

туман ҳокимилиги фаоллари йиғилишлари, туман ҳокими ва унинг ўринбосари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

туман ҳокимининг ўринбосари раислигидаги комиссиялар ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

мажмуа иш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларининг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

Мажмуа қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

## III. Мажмуанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

8. Мажмуа ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

туман ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун мажмуага қонун ҳужжатларида белгиланган зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлардан, туман ҳокимлигининг тегишли таркибий бўлинмаларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

зарурат бўлганда, мажмуада кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва тахлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмалари ходимларини, туман ҳокимлигининг тегишли мажмуалари, бўлим ва гуруҳларидан ходимларини рахбарият билан келишилган ҳолда таклиф этиш, жалб этиш ва ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмаларидан, бошқа ташкилотларга улар томонидан киритилган халқ депутатлари Бекобод туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмалари, бошқа ташкилотларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда Мажмуага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмалари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари Бекобод туман Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари ҳужжатлари, туман ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилиши юзасидан ишларни белгиланган тартибда ўрганиш.

9. Мажмуанинг мажбуриятлари:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, шунингдек Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши, Бекобод тумани ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларига мувофиқ мажмуага тегишли таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланишига;

соҳаларда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиш сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланишига;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Тошкент вилояти ҳокимлигига, яъни Мажмуага юклатилган вазифалар юзасидан киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, қонунийлигини кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрланишига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланишига;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг Мажмуага бевосита тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб берди.

## IV. Мажмуа ва гуруҳнинг тузилмаси

10. Мажмуа тузилмаси мажмуа раҳбари, 1 нафар бош мутахассис, 1 нафар етакчи мутахассисидан иборат.

Мажмуа ходимлари олий маълумотли, юқори малакали, давлат ва маҳаллий бошқарув органларида ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади.

Мажмуанинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июлдаги “Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3142-сон қарори билан белгиланади.

11. Мажмуанинг ва гуруҳнинг фаолияти туман ҳокими томонидан тасдиқланадиган тегишли Низом, Мажмуанинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомига мувофиқ ташкил этилади.

12. Мажмуаўз фаолиятида Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарига бўйсунади.

13. Мажмуа Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари тақдимномаси бўйича Бекобод тумани ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Мажмуанинг бошқа ходимлари Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари тақдимномаси бўйича Бекобод тумани ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Мажмуа низоми ва функционал вазифалари Бекбоод тумани ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

## V. Мажмуа фаолиятини ташкил этиш.

16. Мажмуа ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, туман ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик иш режалари асосида ташкил этилади.

17. Мажмуа ўз фаолиятини ярим йиллик ва йиллик иш режалари асосида олиб боради.

18. Мажмуада ҳар ҳафтада йиғилишлар ўтказилиб, берилган топшириқлар, режаларнинг бажарилиши назорат этилиб, янги ҳафтага мўлжалланган ишлар ва топшириқлар белгилаб олинади.

19. Мажмуада иш юритилиши, ҳужжатларнинг ўтиши Мажмуа мутахассислари томонидан олиб борилади ҳамда шу ҳақида мунтазам равишда Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарига маълумот бериб борилади.

20. Мажмуанинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек туман ҳокимининг топшириғи билан мажмуага қуйидаги йўналишлар бўйича юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган:

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга,

инновацион ривожланиш механизмини изчил жорий этишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бандликни, аҳоли даромадлари ўсишини ва ҳаёти даражаси ошишини таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари худудий бўлинмаларининг, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг, бошқа ташкилотларнинг, биринчи навбатда, экспорт тузилмасида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада кўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш бўйича минтақавий дастурларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва уларни жаҳон ҳамда минтақа бозорларига киритиш, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг таркибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва ўз вақтида ишга тушириш ҳамда ишлаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялашни таъминлаш, шунингдек уларни амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини фаол бажариш;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш;

республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш;

қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

иқтисодиётда устувор йўналишларга мувофиқ илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улранинг натижаларидан амалда кенг фойдаланиш;

давлат органларида, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш;

истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

чакана ва улгуржи савдони, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишининг янги шакллари ва усулларини кенг жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

## VI. Мажмуа ходимларининг вазифалари

22. Мажмуа бош ва етакчи мутахассислари:

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари билан биргаликда мажмуанинг ярим йиллик ва йиллик иш режаларини тузишни ташкил этадилар, уларнинг бажарилишини таъминлайдилар;

Туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва фармойишлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳамда шаҳар ҳокими қарорлари, фармойишлари ва топшириқларини бажарилишининг назорат этилишини таъминлайдилар, Мажмуа раҳбарининг тумандаги корхона, ташкилотлардаги ижро интизоми тўғрисида тегишли масалалар юзасидан хабардор этиб борадилар;

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг кўрсатмасига биноан бош мутахассис йўқлигида етакчи мутахассис томонидан вақтинча вазифасини бажаради;

Мажмуа мутахассислари ушбу Низомда кўрсатилган ваколатлар доирасида Бекобод тумани ҳокимининг ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## VIII. Мажмуа мутахассислари ўртасида вазифалар тақсимоти

### Бош мутахассис

23. Бош мутахассис Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари кўрсатмаси ва топшириқларига асосан ишни ташкил этади ва қуйидаги ишларни амалга оширади:

соҳага оид тегишли таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва таклифларини тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Мажмуа бош мутахассисига, шунингдек белгиланган тартибда Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган хужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, бириктирилган соҳалар бўйича тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

туман ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларга, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларига ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларига материаллар тайёрлайди ва белгиланган тартибда иштирок этади;

Мажмуанинг иш режасида белгиланган тадбирларни ижроси юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади;

Мажмуа фаолиятига алоқадор бўлган ташкилотларни фаолиятини таҳлил қилади ва уларнинг муаммоларини ечими юзасидан Мажмуа мудирига ахборот беради;

Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва Мажмуа раҳбарининг топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

24. Мажмуа раҳбари йўқлигида Мажмуа ишини ташкил этади ва вақтинчалик Мажмуага бошчилик қилади.

25. Бекобод тумани ҳокимининг ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Етакчи мутахассис**

26. Етакчи мутахассис Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва мажмуа раҳбарининг кўрсатмаси ва топшириқларига асосан ишни ташкил этади ва қуйидаги ишларни амалга оширади:

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва таклифларини тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Мажмуа раҳбарига, шунингдек белгиланган тартибда Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари га ахборот беради;

қабул қилинган хужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, бириктирилган соҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

қабул қилинган хужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари

ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

хизмат вазифаларига қатъий амал қилади, иш тақсимоти бўйича спорт, меҳнат, савдо, маиший хизмат ва иқтисодиёт соҳаларига тегишли идоралар билан ҳамкорлик қилади ҳамда ваколати доирасида уларнинг ишини мувофиқлаштиради.

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, шаҳар ва туман ҳокимиятларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади.

Мажмуанинг иш режасида белгиланган тадбирлани ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади;

Мажмуа фаолиятига алоқадор бўлган ташкилотларни фаолиятини таҳлил қилади, уларнинг муаммоларини ечими юзасидан таклифлар тайёрлайди ва Мажмуа мудирига ахборот беради;

Мажмуа фаолиятига доир тегишли топшириқларини ижрочиларга етказилишини ҳамда Мажмуа фаолиятига оид масалалар бўйича тегишли идоралар билан алоқани таъминлайди;

Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

27. хизмат вазифаларига қатъий амал қилади, мажмуага келган хат, мурожаат ва ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, туман ҳокимининг биринчи ўринбосарини хабардор қилиш, ижро муддатларини назоратга олиш ишларини амалга оширади.

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ариза ва шикоятларга жавоб хатларини ўз муддатида бажарилишида Мажмуа етакчи мутахассисига яқиндан амалий ёрдам беради.

Мажмуа фаолиятига доир тегишли топшириқларини ижрочиларга етказилишини ҳамда Мажмуа фаолиятига оид масалалар бўйича тегишли идора ва вилоят ҳокимлигининг таркибий бўлинмалари билан алоқани таъминлайди;

Мажмуа фаолиятига доир масалалар юзасидан вилоят ҳокимлигининг таркибий тармоқлари томонидан Бекобод тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини ҳақида тегишли тартибда мунтазам ахборот бериб боради;

Мажмуада туман ҳокимлигининг хатлари, қарор, фармойиш бланкаларини юритилишини таъминлайди;

Иш юритишдан тугалланган ҳужжатларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва сақлашни амалга оширади ҳамда ҳужжатларни расмий тартибда Бекобод тумани ҳокимлиги архив бўлимига топширади;

Мажмуа иш жараёнида ахборот коммуникация технологияларини самарали қўлланилишида Тошкент вилояти Компьютерлаштириш маркази билан ҳамкорликни амалга оширади;

Мажмуа бош мутахассиси йўқлигида мажмуа ишини ташкил этади ва бош мутахассис вазифаларини вақтинча бажаради.

Бекобод тумани ҳокимининг ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27” ноябрдаги
1336- сон қарорига 5- илова

# ТУМАН ҲОКИМЛИГИ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, КОММУНИКАЦИЯЛАР ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАЖМУАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуасининг (кейинги ўринларда – Мажмуа деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуа туман ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Мажмуа ўз фаолиятини “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек, шуннгдек, ушбу Низомга асосан амалга оширади қилади.

4. Мажмуа ўз фаолиятини туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

5. Мажмуа ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## II. Мажмуанинг асосий вазифалари ва функциялари:

**6**. Туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари мажмуаси, амалдаги қонун, қарор ва фармойишларга асосланган ҳолда, қурилишислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда ихтисослашган қурилиш-монтаж ва лойиҳалаш ташкилотлари, коммунал хизмат кўрсатиш, коммуникация (транспорт, алоқа) корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади, туман ҳокимига бўйсунади.

7. Қуйидагилар мажмуанинг вазифалари этиб белгиланади:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари ишларини ташкил қилиш;

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда мажмуа юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва тумани ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодийислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлаш;

туман ҳокими ва туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилишини таъминлаш;

капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш;

капитал қурилишда пудрат ишлари, қурилиш объектларини, ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширилишида, алоҳида аҳамиятга эга бўлган объектлар (касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, инфратузилмаси объектлари ва ҳоказо) ишга туширилишини таъминлаш мақсадида жойига чиқиб амалий ёрдам кўрсатиш ва маълумотномалар тайёрлаш;

тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларга ижро учун юборилган туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ҳамда топшириқларини бажарилишини назорат қилиш;

туман ҳудудида жойлашган кам қувватли норентабел қурилиш ташкилотларини белгиланган тартибда тугатиш ва қайта ташкил этиш бўйича туман ҳокимига ва вилоят комиссиясига таклифлар киритиш;

қурилиш жамоа ташкилотларини мулк шаклини ўзгартириш, нодавлат хусусий ташкилотларига ўтказиш бўйича қурилиш ташкилотларига амалий ёрдам бериш;

туманда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ва конструкцияларини сифатини яхшилаш ва ҳаридорлигини ошириш, ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этиш ва қўшма корхоналар тузишда туман қурилиш корхоналари ва пудрат ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш;

қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан тасдиқланган туман дастури асосида ишлар олиб борш;

туман корхоналарига қурилиш ишлари бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

вилоят ҳокимлигига туман аҳолисини автотранспорт хизматига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида (йўналишларни тендердан ўтказиш автотранспортларни техник созлигини амалга ошириш, ҳаракат хавфсизлигини ва экологик муҳитни яхшилаш) бўйича керакли таклифларни киритиш;

мажмуа ваколатига қарашли масалалар бўйича зарур бўлганда тегишли корхона, ташкилот, муассаса ва идора раҳбарлари ва масъул ходимларни таклиф этади ва уларни эшитиш.

8. Мажмуа ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг

бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокими қарорлари ва топшириқлари, туман халқ депутатлари Кенгаши ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан мажмуага юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, Тошкент вилояти ҳокимлигининг, туман ҳокимлигининг Мажмуага оид топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

халқ депутатлари туман  Кенгаши ва туман ҳокими томонидан қабул қилинадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари ва  туман ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда, шунингдек Мажмуага тегишли соҳаларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда туман ҳокимига тақдим этади;

давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокими қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ўтказилишини таъминлайди ва масъулларни жалб этган ҳолда ишларни мувофиқлаштиради;

тумани ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича Мажмуаси иш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

давлат сирлари бўлган маълумотлар ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларнинг ҳимоя қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

ҳокимликнинг тегишли фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади;

Мажмуада ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

Мажмуа қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради. Заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларида иштирок этади;

Мажмуа фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрлайди;

Туман ҳокими топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## III. Мажмуанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

9. Мажмуа ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун Мажмуага қонун ҳужжатларида белгиланган зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлардан, туман ҳокимлигининг тегишли таркибий бўлинмаларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

зарурат бўлганда, Мажмуада кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва тахлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, бошқа ташкилотлар, туман ҳокимлигининг тегишли мажмуа ва гуруҳларидан ходимларини раҳбарият билан келишилган ҳолда таклиф этиш, жалб этиш ва ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлардан, улар томонидан киритилган халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, бошқа ташкилотларга тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда Мажмуага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларини, халқ депутатлари туман Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари ҳужжатлари, туман ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилиши юзасидан ишларни белгиланган тартибда ўрганиш.

10. Мажмуанинг мажбуриятлари:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг, халқ депутатлари туман Кенгаи ва туман ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларига мувофиқ Мажмуага тегишли таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

соҳаларда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, туман ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиш сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан туман ҳокимлигига, яъни Мажмуага юклатилган вазифалар юзасидан киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, қонунийлигини кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрланиши;

халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлигига, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари Мажмуага бевосита тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

## IV. Мажмуанинг тузилмаси

11. Мажмуанинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сон қарори билан белгиланади.

12. Туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуасининг тузилмасига мажмуа раҳбари-тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва  1 нафар бош мутахассис киради.

13. Мажмуа раҳбари-туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Тошкент вилояти ҳокими билан келишилган ҳолда лавозимига туман ҳокимининг қарори билан тайинланади, мазкур қарор кейинчалик халқ депутатлари туман Кенгашига тасдиқ учун киритилади.

14. Мажмуа бош мутахассиси олий маълумотли, юқори малакали, давлат ва маҳаллий бошқарув органларида ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади.

Мажмуа бош мутахассиси тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари тақдимномаси бўйича туман ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Мажмуа ўз фаолиятида туман ҳокимига бўйсунади.

## V. Мажмуа фаолиятини ташкил этиш

16. Мажмуа ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон

Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, Тошкент вилояти ва туман ҳокимлари топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик иш режалари асосида ташкил этилади.

17. Мажмуа ўз фаолиятини ярим йиллик ва йиллик иш режалари асосида олиб боради.

18. Мажмуада ҳар ҳафтада йиғилишлар ўтказилиб, берилган топшириқлар, режаларнинг бажарилиши назорат этилиб, янги ҳафтага мўлжалланган ишлар ва топшириқлар белгилаб олинади.

19. Мажмуада иш юритилиши, ҳужжатларнинг ўтиши Мажмуа бош мутахассиси томонидан олиб борилади ҳамда шу ҳақида мунтазам равишда мажмуа раҳбари- туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосарига маълумот бериб борилади.

## IV. Мажмуа ходимларининг вазифалари:

### 1. Мажмуа раҳбари-туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари

Мажмуанинг умумий фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади, мажмуа ваколатига кирадиган вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини ташкил этади ва назорат қилади;

белгиланган тартибда ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда Мажмуа юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди, уларни ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

туман ҳокими томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилиш ишларини мувофиқлаштиради;

ҳудуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга

йўналтирилган минерал-хомашёни ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга оширади;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қурилиш ислоҳотларини чуқурлаштириш, коммуникация (транспорт, алоқа) тармоқларини замонавий андозаларга кўтариш мақсадида корхона, ташкилот, муассаса ва идораларнинг иш фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритади. Мажмуага келган ҳужжатларни қарор ва фармойишларда кўрсатилган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

бош мутахассисга керакли аниқ топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назоратга олади, туман фаоллар йиғилишларининг иш режаси лойиҳасини тайёрлашга ва ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатади.

**Мажмуа бош мутахассиси.**

21. Мажмуа бош мутахассиси:

Мажмуа раҳбари бошчилигида мажмуанинг ярим йиллик ва йиллик иш режаларини тузишни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини ташкил этади, Мажмуа раҳбарини тасарруфдаги корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда ижро интизоми тўғрисида тегишли масалалар юзасидан хабардор этиб боради.

22. Бош мутахассис Мажмуа раҳбари - туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари кўрсатмаси ва топшириқларига асосан ишни ташкил этади ва қуйидаги ишларни амалга оширади:

таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва таклифларини тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Мажмуа раҳбари-туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган хужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, бириктирилган соҳалар бўйича тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва

топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

туман ҳокими ва туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларга, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларига ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича комиссиялар мажлисларига материаллар тайёрлайди ва белгиланган тартибда иштирок этади;

фаоллар йиғилишлари материалларини тайёрлаш ва уни маромида ўтишини таъминлайди;

йиғилиш баёни қарорларида белгиланган топшириқларни бажарилишини назорат қилади;

мажмуа раҳбари- туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари раислик қилувчи Кенгаш, комиссия ва гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва ташкил этади;

мажмуанинг ойлик ва ҳафталик иш режалари асосида иш юритади;

туманда чоп этиладиган рўзномалардаги материаллар билан доимий танишиб боради ва зарур бўлганда чоп этилган материаллар юзасидан таклифлар киритади;

мажмуага тегишли ташкилотларни фаолиятини таҳлил қилади ва уларнинг муаммоларини ечимида иштирок этиб мажмуа раҳбаритга туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари таклифлар тайёрлайди:

Мажмуанинг иш режасида белгиланган тадбирларни ижроси юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ариза, шикоят ва таклифларни ўрганиб чиқиб, уларни ўз вақтида, тўғри ва қонуний ҳал қилиш чораларини кўради, натижаси ҳақида Мажмуа раҳбари- ахборот беради;

Мажмуа томонидан мурожаатлар қонуний хал этилиши устидан мониторинг олиб боради, натижаларини ҳар ҳафтада умумлаштиради;

Мажмуа фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлайди;

Мажмуа фаолиятига доир тегишли топшириқларини ижрочиларга етказилишида канцелярияга кўмаклашади ҳамда Мажмуа фаолиятига оид масалалар бўйича тегишли идоралар билан алоқани таъминлайди;

Мажмуа фаолиятига доир барча масалалар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

23. Туман ҳокимининг ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 6- илова

# БЕКОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ЁШЛАР СИЁСАТИ, ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА МАЖМУАСИ ТЎҒРИСИДА
# Н И З О М

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июлдаги “Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3142-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарорига мувофиқ Бекобод тумани ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича Мажмуасининг (кейинги ўринларда – Мажмуа деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулияти ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бекобод тумани ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуа Бекобод тумани ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Мажмуа ўз фаолиятини “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вилоят, туман ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашининг ва туман ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Мажмуа ўз фаолиятини Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг раҳбарлигида амалга оширади.

5. Мажмуа ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, корхона, ташкилотларга шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## II. Мажмуанинг вазифалари ва функциялари:

6. Қуйидагилар Бекобод тумани ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуанинг вазифалари ҳисобланади:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ишларини ташкил қилади;

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда Мажмуа юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳалқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва туман

ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди, уларни ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

Бекобод тумани ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилишини таъминлайди;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини ҳамда масъул идоралар томонидан оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштиради;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, **жамоатчилик назоратини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш,** жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади;

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла институтининг аҳамияти тўғрисида аҳолини, айниқса ёшларни кенг хабардор қилиш, шунингдек энг аввало, камол топаётган авлодни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига манзилли ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, одамларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштиришда маҳаллаларнинг фаолиятини ҳар томонлама ёритиш бўйича тизимли ишларни оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ташкил этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йиғинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этади;

фуқаролар йиғинларининг нодавлат **нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш** ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг минтақавий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш, Бекобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни таъминлайди;

фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш чораларини кўради;

фуқаролар йиғинлари ишларини тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг минтақавий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасида қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилади;

ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни ташкил этади;

ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ташкиллаштиради;

иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тегишли идоралар билан ҳамкорликда шарт-шароитлар яратади;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, жисмоний соғлом ва ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш чораларини кўради;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий маданий ва маънавий меросни эҳтиётлаб асраш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, шунингдек маданият, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш ва таклифлар ишлаб чиқади;

Мажмуа тизимидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади;

заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларида иштирок этади;

Мажмуа фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрлайди;

ўз ваколати доирасида Тошкент вилояти органларида Бекобод тумани ҳокимияти номидан вакиллик қилади.

Бекобод тумани ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

7. Мажмуа ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари, Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари ва топшириқлари ва Бекобод тумани ҳокимининг қарорлари ва топшириқлари,билан Мажмуага юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли ҳизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, Тошкент вилояти ҳокимлигининг мажмуага оид топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Тошкент вилояти ҳокимлигига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва туман ҳокими томонидан қабул қилинадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари, Бекобод тумани ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда Бекобод туманини, шунингдек Мажмуага тегишли соҳаларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда туман ҳокимига ва бевосита Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига тақдим этади;

давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари вилоят ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ўтказилишини таъминлайди ва масъулларни жалб этган ҳолда ишларни мувофиқлаштиради;

Бекобод тумани ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича Мажмуа иш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

давлат сирлари бўлган маълумотлар ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларнинг ҳимоя қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

ҳокимликнинг тегишли фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади;

Мажмуада ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

Мажмуа қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

**III. Мажмуанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

8. Мажмуа ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун Мажмуага қонун ҳужжатларида белгиланган зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмаларидан бошқа ташкилотлардан, туман ҳокимлигининг тегишли таркибий бўлинмаларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

зарурат бўлганда, Мажмуада кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари ходимларини, туман ҳокимлигининг тегишли мажмуалари, бўлим ва гуруҳларидан ходимларини раҳбарият билан келишилган ҳолда таклиф этиш, жалб этиш ва ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг туман бўлинмалари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилиши юзасидан ишларни белгиланган тартибда ўрганиш.

9. Мажмуанинг мажбуриятлари:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши, Бекобод тумани ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларига мувофиқ Мажмуага тегишли таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланишига;

соҳаларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, туман ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиш сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланишига;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Бекобод тумани ҳокимлигига, яъни Мажмуага юклатилган вазифалар юзасидан киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, қонунийлигини кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрланишига;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган

ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланишига;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, вилоят ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Мажмуага бевосита тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

## IV. Мажмуанинг тузилмаси

10. Бекобод тумани ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуанинг тузилмаси 1 нафар бош мутахассис киради.

Мажмуа ходими олий маълумотли, юқори малакали, бўлим, корхона, ташкилотларда ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади.

Мажмуанинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июлдаги “Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3142-сон қарори билан белгиланади.

11. Мажмуанинг фаолияти туман ҳокими томонидан тасдиқланадиган тегишли Низом, Мажмуанинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомига мувофиқ ташкил этилади.

12. Мажмуа ўз фаолиятида Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига бўйсунади.

13. Мажмуа бош мутахассиси Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари таклифи бўйича Бекобод тумани ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Мажмуа низоми ва функционал вазифалари Бекобод тумани ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

## V. Мажмуа фаолиятини ташкил этиш

15. Мажмуа ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари

ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ва туман ҳокими қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик иш режалари асосида ташкил этилади.

16. Мажмуа ўз фаолиятини ярим йиллик ва йиллик иш режалари асосида олиб боради.

17. Мажмуада ҳар ҳафтада йиғилишлар ўтказилиб, берилган топшириқлар, режаларнинг бажарилиши назорат этилиб, янги ҳафтага мўлжалланган ишлар ва топшириқлар белгилаб олинади.

18. Мажмуада иш юритилиши, ҳужжатларнинг ўтиши Мажмуа мутахассислари томонидан олиб борилади ҳамда шу ҳақида мунтазам равишда Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига маълумот бериб борилади.

## VI. Мажмуа ходимларининг вазифалари
## Мажмуа бош мутахассиси

19. Мажмуанинг умумий фаолиятида қуйидаги ишларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси хужжатларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорлари, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши қарорлари,вилоят, туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари, Бекобод тумани ҳокимининг Мажмуага тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижросини ташкил этади ва назорат қилади;

Мажмуага юкланган вазифаларни бажариш бўйича Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ишларини ташкил этади ва ишларни мувофиқлаштиради;

белгиланган тартибда ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

Мажмуага юкланган вазифаларни бажаришда Мажмуа ходимларига ишларни тақсимлайди ва бевосита ижросини назоратга қилади;

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда Мажмуа иш юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳалқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди, уларни ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодийислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

Бекобод тумани ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва барча комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилиш ишларини мувофиқлаштиради;

Мажмуа фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрланишини ташкиллаштиради;

Мажмуа фаолиятига доир масалалар юзасидан туман ҳокимлигининг таркибий тармоқлари томонидан Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг топшириқларини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Бекобод тумани ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Бош мутахассис Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг кўрсатмаси ва топшириқларига асосан ишни ташкил этади ва қуйидаги ишларни амалга оширади:

таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва таклифларини тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган хужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, бириктирилган соҳалар бўйича тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, вилоят ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

туман ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларга, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларига ва ўзига бириктирилган комиссиялар мажлисларига материаллар тайёрлайди ва белгиланган тартибда иштирок этади;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини ҳамда масъул идоралар томонидан оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштиради;

ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал қилади;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, жисмоний соғлом ва ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлашга кўмаклашади;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари

билан жиҳозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий маданий ва маънавий меросни эҳтиётлаб асраш ва кўпайтириш, аҳолининг маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, шунингдек маданият, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Мажмуанинг иш режасида белгиланган тадбирларнинг ижроси юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади;

Мажмуага ҳамда ўзига бириктирилган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради, таҳлил қилади ва уларнинг муаммоларининг ечими юзасидан Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига ахборот беради;

Мажмуа фаолиятига алоқадор бўлган масалалар юзасидан тумандаги корхона, ташкилот ва муасссасалар, ўзини-ўзи бошқариш оргнлари билан биргаликда иш олиб боради ва Мажмуанинг ваколати доирасида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда қатнашади;

Соҳасига оид бўлган жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ариза, шикоят ва таклифларни ўрганиб чиқиб, уларни ўз вақтида, тўғри ва қонуний ҳал қилади, натижаси ҳақида Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига ахборот беради;

Мажмуа фаолиятига доир тегишли топшириқларни ижрочиларга етказилишини ҳамда Мажмуа фаолиятига оид масалалар бўйича тегишли идоралар билан алоқани таъминлайди;

Мажмуа фаолиятига доир барча масалалар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23. Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига йўқлигида Мажмуа ишини ташкил этади ва вақтинчалик Мажмуага бошчилик қилади.

24. Бекобод тумани ҳокимининг ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

25. Қабул қилинган хужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, бириктирилган соҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

туман ҳокими ва Бекобод тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларга, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларига ва

ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳамда ҳар хил комиссиялар мажлисларига материаллар тайёралайди ва белгиланган тартибда иштирок этади;

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг минтақавий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш, Бекобод туман ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни таъминлайди ва бевосита амалга оширилаётган ишлар юзасидан Бекобод туманё ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига ахборот беради;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга оширади;

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла институтининг аҳамияти тўғрисида аҳолини, айниқса ёшларни кенг хабардор қилиш, шунингдек энг аввало, камол топаётган авлодни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига манзилли ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, одамларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштиришда маҳаллаларнинг фаолиятини ҳар томонлама ёритиш бўйича тизимли ишларни оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ташкил этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йиғинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этади;

фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашади;

фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш чораларини кўради;

фуқаролар йиғинлари ишларини тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг минтақавий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларидан

фойдаланган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасида қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Мажмуа томонидан мурожаатлар қонуний ҳал этилиши устидан мониторинг олиб боради, натижаларини ҳар олти ойда умумлаштиради;

Мажмуанинг иш режасида белгиланган тадбирларни ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади;

Мажмуа фаолиятига алоқадор бўлган масалалар юзасидан туман корхона, ташкилот, муассасалар ва идоралари билан биргаликда иш олиб боради ва Мажмуанинг ваколати доирасида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда қатнашади;

Мажмуага ҳамда ўзига бириктирилган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради, таҳлил қилади ва уларнинг муаммоларини ечими юзасидан Мажмуага ахборот беради;

25. Таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда иштирок этади;

ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни ташкил этади;

иқтидорли ёшларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратилишида иштирок этади;

Мажмуага келаётган ва чиқиб кетаётган ҳужжатлар ҳисоботини юритади;

Мажмуада туман ҳокимлигининг хатлари, қарор, фармойиш бланкаларини юритилишини таъминлайди;

Иш юритишдан тугалланган ҳужжатларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва сақлашни амалга оширади ҳамда ҳужжатларни расмий тартибда Тошкент вилояти ҳокимлиги архив бўлимига топширади;

Мажмуа иш жараёнида ахборот коммуникация технологияларини самарали қўлланилишида Тошкент вилояти Компьютерлаштириш маркази билан ҳамкорликни амалга оширади;

Бекобод тумани ҳокимининг ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 7- илова

# ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАЖМУАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиши масалалари бўйича мажмуасининг (кейинги ўринларда – Мажмуа деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиши масалалари бўйича мажмуаси туман ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Мажмуа ўз фаолиятини “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга асосан амалга оширади қилади.

4. Мажмуа ўз фаолиятини туман ҳокимининг ўринбосари- хотин-қизлар қўмитаси раиси раҳбарлигида амалга оширади.

5. Мажмуа ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда давлат ва хўжалик бошқаруви туман органлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## II. Мажмуанинг асосий вазифалари ва функциялари:

**6**. Қуйидагилар туман ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиши масалалари бўйича мажмуаси вазифалари этиб белгиланади:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича туман ҳокимининг ўринбосари- хотин-қизлар қўмитаси раиси ишларини ташкил қилиш;

хотин-қизларни маънавий, ижтимоий ва касбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилган тадбирларни уюштириш. Хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний камолотини таъминлашга, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва тиббий билимларини оширишга оид тадбирларни ташкил қилиш. Маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат, маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслахатчилари ишини такомиллаштиришда иштирок этш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилада, жамиятда ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишда уларнинг ролини ошириш ишларининг ҳолатини мунтазам ўрганиш ва баҳолашни амалга ошириш;

хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг ҳар хил шаклларини ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чораларини кўриш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилишини таъминлаш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш, мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида, халқаро хотин-қизлар ҳаракатида аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига кўмаклашиш;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни тегишли идоралар ишини мувофиқлаштириб амалга ошириш;

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла институтининг аҳамияти тўғрисида аҳолини, айниқса ёшларни кенг хабардор қилиш, шунингдек энг аввало, камол топаётган авлодни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексаларга ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига манзилли ёрдам бериш, иш билан таъминлаш, одамларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштиришда маҳаллаларнинг фаолиятини ҳар томонлама ёритиш бўйича тизимли ишларни оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ташкил этаиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йиғинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари ишларини тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг минтақавий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти

соҳасида қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳар томонлама камол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ишларини тегишли берилган ваколат доирасида таъминлаш;

ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни тегишли масъул идоралар билан ҳамкорликда ташкил этиш;

давлат органларининг туманда жойлашган жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш чораларини кўриш;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилаиш;

маънавий ва миллий қадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг туман бўлимлари фаолиятига кўмаклашиш;

туманда дин билан боғлиқ аҳвол, миллатлараро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам ўрганиш, уларни янада соғломлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий йўналишда тарғибот ишларини ташкил этишда ҳамкорлик қилиш;

диний экстремизм ва миссионерлик фаолияти ғояларининг тарқалишига қарши тушунтириш ҳамда профилактика ишларини ташкил этишни мувофиқлаштириш;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритиш;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда вилоят тузилмалари раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш;

фаолиятига оид бўлим, ташкилот, муассаса ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштири, туман ҳокимига улар раҳбарларининг фаолияти юзасидан тегишли таклифлар киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар берш, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқарув органларига юбориш, уларни ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилиш, фуқароларни қабул қилишни амалга ошириш;

туман ҳудудларида ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;

туманда оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилишга доир ишларни амалга ошириш борасида туман бўлим, корхона, ташкилот ва идоралар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўз бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда мажмуа юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва тумани ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилш;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлаш;

туман комиссияларининг самарали ишлашини таъминлаш, улар томонидан қабул қилинган қарорларни бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

туман ҳокими ва туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раиси томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилишини таъминлаш;

тасарруфидаги корхона, ташкилот, муассаса  ва идораларга ижро учун юборилган туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ҳамда топшириқларини бажарилишини назорат қилиш.

8.Мажмуа ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокими қарорлари ва топшириқлари  билан мажмуага юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, Тошкент вилояти ҳокимлигининг Мажмуага оид топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

халқ депутатлари туман  Кенгаши ва туман ҳокими томонидан қабул қилинадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари ва  туман ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда, шунингдек Мажмуага тегишли соҳаларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан

таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда туман ҳокимига тақдим этади;

давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокими қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раиси иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ўтказилишини таъминлайди ва масъулларни жалб этган ҳолда ишларни мувофиқлаштиради;

Мажмуас иш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

давлат сирлари бўлган маълумотлар ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларнинг ҳимоя қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

ҳокимликнинг тегишли фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади;

Мажмуада ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

Заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларида иштирок этади;

Мажмуа фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрлайди;

Туман ҳокими топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## III. Мажмуанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

9. Мажмуа ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун Мажмуага қонун ҳужжатларида белгиланган зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлардан, туман ҳокимлигининг тегишли таркибий бўлинмаларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

зарурат бўлганда, Мажмуада кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва тахлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, бошқа ташкилотлар, туман ҳокимлигининг тегишли мажмуа ва гуруҳларидан ходимларини раҳбарият билан келишилган ҳолда таклиф этиш, жалб этиш ва ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, бошқа ташкилотлардан, улар томонидан киритилган халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, бошқа ташкилотларга тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда Мажмуага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларини, халқ депутатлари туман Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари ҳужжатлари, туман ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилиши юзасидан ишларни белгиланган тартибда ўрганиш.

мажмуа ваколатига қарашли масалалар бўйича зарур бўлганда тегишли корхона, ташкилот, муассаса ва идора раҳбарлари ва масъул ходимларни таклиф этиш ва уларни эшитиш.

10. Мажмуанинг мажбуриятлари:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг, халқ депутатлари туман Кенгаи ва туман ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларига мувофиқ Мажмуага тегишли таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

соҳаларда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, туман ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиш сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан туман ҳокимлигига, яъни Мажмуага юклатилган вазифалар юзасидан киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, қонунийлигини кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрланиши;

халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлигига, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари Мажмуага бевосита тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

## IV. Мажмуанинг тузилмаси

11. Мажмуанинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сон қарори билан белгиланади.

12. Мажмуа тузилмасига мажмуа раҳбари-туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раиси ва 1 нафар бош мутахассис киради.

13. Мажмуа раҳбари- туман ҳокимининг ўринбосари- хотин-қизлар қўмитаси раиси Тошкент вилояти ҳокими билан келишилган ҳолда лавозимига туман ҳокимининг қарори билан тайинланади, мазкур қарор кейинчалик халқ депутатлари туман Кенгашига тасдиқ учун киритилади.

14. Мажмуа бош мутахассиси олий маълумотли, юқори малакали, давлат ва маҳаллий бошқарув органларида ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади.

Мажмуа бош мутахассиси туман ҳокимининг ўринбосари- хотин-қизлар қўмитаси раиси тақдимномаси бўйича туман ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Мажмуа ўз фаолиятида туман ҳокимига бўйсунади.

## V. Мажмуа фаолиятини ташкил этиш

16. Мажмуа ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, Тошкент вилояти ва туман ҳокимлари топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик иш режалари асосида ташкил этилади.

17. Мажмуа ўз фаолиятини ярим йиллик ва йиллик иш режалари асосида олиб боради.

18. Мажмуада ҳар ҳафтада йиғилишлар ўтказилиб, берилган топшириқлар, режаларнинг бажарилиши назорат этилиб, янги ҳафтага мўлжалланган ишлар ва топшириқлар белгилаб олинади.

19. Мажмуада иш юритилиши, ҳужжатларнинг ўтиши Мажмуа бош мутахассиси томонидан олиб борилади ҳамда шу ҳақида мунтазам равишда мажмуа раҳбари- туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раисига маълумот бериб борилади.

## IV. Мажмуа ходимларининг вазифалари:
## 1. Мажмуа раҳбари-туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раиси

Мажмуанинг умумий фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади, мажмуа ваколатига кирадиган вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини ташкил этади ва назорат қилади;

белгиланган тартибда ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда Мажмуа юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилишини таъминлайди, уларни ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади;

туман ҳокими томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилиш ишларини мувофиқлаштиради;

бош мутахассисга керакли аниқ топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назоратга олади, туман фаоллар йиғилишларининг иш режаси лойиҳасини тайёрлашга ва ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатади;

туман ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Мажмуа бош мутахассиси.**

21. Мажмуа бош мутахассиси:

Мажмуа раҳбари бошчилигида мажмуанинг ярим йиллик ва йиллик иш режаларини тузишни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини ташкил этади, Мажмуа раҳбарини тасарруфдаги корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда  ижро интизоми тўғрисида тегишли масалалар юзасидан хабардор этиб боради.

22. Бош мутахассис Мажмуа раҳбари- туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раисининг  кўрсатмаси ва топшириқларига асосан ишни ташкил этади ва қуйидаги ишларни амалга оширади:

таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва таклифларини тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Мажмуа раҳбари-туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раиси га ахборот беради;

қабул қилинган хужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, бириктирилган соҳалар бўйича тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг,  халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

туман ҳокими ва туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раиси томонидан ўтказиладиган мажлисларга, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларига ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича комиссиялар мажлисларига материаллар тайёрлайди ва белгиланган тартибда иштирок этади;

фаоллар йиғилишлари материалларини тайёрлаш ва уни маромида ўтишини таъминлайди;

йиғилиш баёни қарорларида белгиланган топшириқларни бажарилишини назорат қилади;

мажмуа раҳбари- туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раиси раислик қилувчи Кенгаш, комиссия ва гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва ташкил этади;

мажмуанинг ойлик ва ҳафталик иш режалари асосида иш юритади;

туманда чоп этиладиган рўзномалардаги материаллар билан доимий танишиб боради ва зарур бўлганда чоп этилган материаллар юзасидан таклифлар киритади;

мажмуага тегишли ташкилотларни фаолиятини таҳлил қилади ва уларнинг муаммоларини ечимида иштирок этиб мажмуа раҳбари- туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раисига таклифлар тайёрлайди:

Мажмуанинг иш режасида белгиланган тадбирларни ижроси юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ариза, шикоят ва таклифларни ўрганиб чиқиб, уларни ўз вақтида, тўғри ва қонуний ҳал қилиш чораларини кўради, натижаси ҳақида Мажмуа раҳбари- туман ҳокимининг ўринбосари-хотин-қизлар қўмитаси раисига ахборот беради;

Мажмуа томонидан мурожаатлар қонуний хал этилиши устидан мониторинг олиб боради, натижаларини ҳар ҳафтада умумлаштиради;

Мажмуа фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлайди;

Мажмуа фаолиятига доир тегишли топшириқларини ижрочиларга етказилишида канцелярияга кўмаклашади ҳамда Мажмуа фаолиятига оид масалалар бўйича тегишли идоралар билан алоқани таъминлайди;

Мажмуа фаолиятига доир барча масалалар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

22. Туман ҳокимининг ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 8- илова

**БЕКОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ТАШКИЛИЙ-
НАЗОРАТ ГУРУҲИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

## I. Умумий қоидалар

Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (бундан кейин «гуруҳ» деб юритилади) туман ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган. Гуруҳ Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ фаолият юритади ва туман ҳокимига бўйсунади.

Гуруҳ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, қарор ва фармойишлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари қарорлари, вилоят ва туман ҳокимларининг қарор ва фармойишлари ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

## II. Гуруҳнинг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 3 августдаги «Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисидаги»ги 303-қарорига ҳамда 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли қарорига асосан ташкилий-назорат гуруҳи зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

-кадрларни раҳбарлик лавозимларга тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш тизимини мувофиқлаштириш;

-ҳудудларда кадрларга бўлган эҳтиёж асосида амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш, уларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимларга тайёрлаб бориш, қайта ўқитиш ва пировард натижада замонавий раҳбар тайёрлаш тизимини яратиш;

-ҳудудларда мунтазам равишда кадрлар билан ишлашнинг аҳволини таҳлил қилиш, ёш, истеъдодли, мустақиллик ғояларига содиқ бўлган ватанпарвар, фидоий кадрларни танлаш ва улар тўғрисида ҳокимият раҳбариятига ахборот ва таклифлар бериб бориш;

-раҳбар кадрлар алмашинуви (ротация) жараёнларини ўрганиб бориш ва бу борада таклифлар киритиш;

-таълим муассасалари ва ўқув юртлари билан кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш юзасидан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

-ҳудудлардаги кадрлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган ягона компьютер «Маълумотлар банки»ни янгилаб бориш ва ундан самарали фойдаланиш.

Ташкилий-назорат гуруҳи шунингдек, қуйидаги вазифаларни ҳам амалга оширади:

-маҳаллий давлат ҳокимияти органларига референдум ва сайловлар тўғрисидаги қонунларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида таклифлар тайёрлаш, барча турдаги сайлов комиссияларининг мустақил ва ошкора ишлашлари учун шароитлар яратиб беришга кўмаклашиш;

-халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари, барча депутатлар иш фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

-туман ҳокимининг қарори билан тасдиқланган раҳбар кадрлар лавозимлари рўйхати устидан доимий равишда иш олиб бориш, тумандаги барча раҳбар кадрларни ҳисобга олиш ҳамда кадрларни танлаш, ўрганиш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва озод этиш бўйича таклифларини туман ҳокимига ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси тасдиғига киритиш, бу борада раҳбариятга ахборотлар тайёрлаш;

-туман бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларнинг сифат таркибини таҳлил қилиб бориш ва уни яхшилаш юзасидан туман ҳокимига амалий таклифлар тайёрлаш;

- ўзини-ўзи бошқариш органларида ишлаётган кадрлар сифат таркибини ўрганиш ва яхшилашга қаратилган таклифлар тайёрлаш, улар билан семинарлар ва бошқа турли ўқишларни ташкил этиш;

-фуқаролар йиғинларида кўрилаётган масалаларни ўрганиб туриш, амалдаги қонунларда кўрсатилган ваколатларини тўла бажарилиши, ҳисобот ва тартибни, сайлов ва бошқа йиғилишларини ўз вақтида ўтишини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ёрдам сифатида тегишли тавсияномаларни юбориш;

- давлат мукофотларига тавсия этиш юзасидан тегишли ҳужжатларни туман ҳокимлигининг бўлимлари, ҳудуддаги ташкилот, корхона, муассаса, хўжалик, ҳиссадорлик жамиятлари, жамоат ташкилотларининг таклифларини олиш, уларни ишчи гуруҳ билан биргаликда ўрганиб чиқиб, туман ҳокимига киритиш;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясига номзодлар юзасидан туман ҳокимига таклифлар киритиш. Ушбу Академияни битирувчилар ҳамда «Умид» жамғармаси йўлланмаси бўйича чет давлатлар олий ўқув юртларини битирганларнинг кейинги иш фаолияти тўғрисида мониторинг ишларини олиб бориш;

-туман ҳокимлиги ходимларини танлаш бўйича туман ҳокимига таклифлар киритиш;

-туман ҳокимлиги мажмуаларидан, бўлим, корхона, ташкилотлардан зарур ҳужжатларни олиш, таҳлил этиш ва туман ҳокимлигида кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

-заруратга қараб туман ҳокимлигининг мажмуа ва гуруҳ, бўлим ва барча корхона, ташкилот ва муассасаларининг мутасадди мутахассисларини туман ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалани тайёрлаш ишларига жалб қилиш;

-гуруҳ ваколатига кирувчи масалалар юзасидан туман ҳокимлигининг мажмуа ва бўлим, ҳудуддаги, корхона ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарларини ва масъул ходимларини таклиф этиш ва уларни эшитиш;

-халқ депутатлари туман Кенгашининг сессияларида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари йиғилишларида, туман ҳокими ҳузурида ўтказиладиган мажлисларда иштирок этиш, аҳолини қабул қилиш, жойларда уларни ариза ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, ҳал қилишларини таъминлаш;

-Бекобод тумани ҳокими ижроия маҳкамасида, барча ташкилот, корхона, хўжалик, муассаса ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари ижросини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни асосий қоидалари» асосида иш юритишни ташкил этиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш;

-юқорида айтиб ўтилган норматив ҳужжатлар ҳамда вилоят ва туман ҳокимлари қарор ва фармойишларини ҳокимлик Канцелярияси орқали ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;

туман ҳокимлиги ички тартиб-интизоми Йўриқномасини ишлаб чиқади, бошқарув аппарати ва техник ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишга доир фармойишлар чиқаради.

Туман ҳокимининг қарор ва фармойишларини, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси баёнларининг сифатини кўриб чиқади.

-ижроси учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларнинг ижро интизомини назорат қилиш;

-туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устивор масалалари, шунингдек узоқ даврга мўлжалланган ҳужжатлари бўйича тегишли мажмуа ва гуруҳлар томонидан назорат режасини ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини назоратга олиш;

-белгиланган муддатларда тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва ходимлардан назоратдаги ҳужжатларнинг ижроси тўғрисида ахборотномалар олиш;

-ҳокимлик мажмуалари, бўлим ҳамда жойлардаги корхона ва ташкилотларда ижро интизомини мақсадли ўрганиш;

-туман ҳокимининг юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларни бажариш юзасидан қабул қилган қарор ва фармойишларининг бажарилишини таъминлаш чорасини кўриш;

-туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари лойиҳаларини ўрганиб чиқиб, тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар бериш;

-туман ҳокимлиги мажмуаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, Вазирлар Махкамаси, вилоят ва туман ҳокимлари қарор ва фармойишларининг бажарилиши бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш;

-туман ҳокими ижроия маҳкамаси мутахассислари ва ходимларининг иш юритиш, ижро интизоми масалалари бўйича касб малакаларини ошириш юзасидан ўқувлар ташкил этиш;

-жойларда ўтказилган мақсадли ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан туман ҳокимига маълумотномалар, ҳамда уларни бартараф этиш ҳақида таклифлар киритиш, чора-тадбирлар белгилаш.

## III. Гуруҳнинг тузилиши ва ишнинг ташкил этилиши

Гуруҳ тузилмасига гуруҳ раҳбари ва 1 нафар етакчи мутахассис киради.

Гуруҳ ходимлари юқори малакали, давлат ва маҳаллий бошқарув органларида ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади.

Гуруҳ ўз фаолиятини истиқболли ва ойлик, ярим йиллик ва йиллик иш режалари асосида олиб боради.

Гурухда ҳар ҳафтада йиғилишлар ўтказилиб, берилган топшириқлар, режаларнинг бажарилиши назорат этилиб, янги хафтага мўлжалланган ишлар ва топшириқлар белгилаб олинади.

Гуруҳда иш юритилиши, ҳужжатларнинг ўтиши гуруҳ мутахассиси томонидан олиб борилади ҳамда шу ҳақида ҳар ойда гуруҳ раҳбарига маълумот бериб борилади.

## IV. Гуруҳ ходимларининг вазифалари

### Гуруҳ раҳбари.

Тошкент вилояти ва туман ҳокимликлари раҳбар кадрлар лавозимлари рўйхатига олинган раҳбарларни танлаш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш ва уларга амалдаги ҳамда истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш бўйича гуруҳнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Шунингдек, гуруҳ ваколатига кирадиган вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилайди.

Кадрлар заҳирасининг сифати учун шахсан жавоб беради.

Заҳирага олинган кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб боришни ташкил этади. Кадрларни тайёрлаб боришнинг схемаларини тузилишини таъминлайди ва унинг ижросини назоратга олади.

Ҳудудни ижгимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан туман ҳокими ижроия маҳкамаси, маҳаллий бошқарув органлари ишини ташкиллаштириш, уларнинг иш фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Гурухга келган ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди.

Гуруҳ етакчи мутахассисига ваколати доирасида топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади. Халқ депутатлари туман Кенгашининг ҳамда туман ҳокимлигининг иш режаси лойиҳаларини тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатади.

Туман ҳокимлиги раҳбариятига ташкилий-назорат гуруҳининг фаолияти тўғрисида ахборот беради ва таклифлар киритади.

Ўз ваколати доирасида кадрларни танлаш, тавсия этиш ва алмаштириш масалаларини кўриб чиқади ва туман ҳокимлиги раҳбарияти билан келишган ҳолда амалга оширади.

Туман ҳокимига гуруҳ ходимини, туман ҳокими ижроия маҳкамаси, маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларини рағбатлантириш ёки ишдан четлатиш тўғрисида таклифлар киритади.

Вилоят ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлигида иш олиб боради.

Давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ташкил этади.

Ушбу Низомда кўрсатилган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

## Гуруҳ мутахассиси

Ташкилий-назорат гуруҳи етакчи мутахассиси:

- вилоят ва туман ҳокимликлари раҳбар кадрлар лавозимлари рўйхатига олинган раҳбар ва захирадаги кадрларнинг шахсий йиғма жилдларига белгиланган тартибда маълумотлар тўплаб, уларнинг сақланишини таъминлайди, кадрларнинг ўзгаришини қайд этиб боради ва ҳар ойда вакант ўринлар ҳақида маълумотлар тайёрлайди;

-заҳирага олинган кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб бориш схемасини ва муддатларини доимий назоратини олиб боради ва бу борада гуруҳ раҳбарига ахборотлар тайёрлайди;

-туман бошқарув тизимида кадрлар билан ишлашнинг аҳволини таҳлил қилиб боради;

Гуруҳ раҳбари билан биргаликда гуруҳнинг ойлик, ярим йиллик ва йиллик иш режаларини тузишни ташкил этади, уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, қарор ва фармойишлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вилоят ва туман ҳокимлари қарор, фармойиш ва топшириқлари бажарилишининг назорат этилишини таъминлайди, гуруҳ раҳбарини ҳокимликдаги ижро интизоми тўғрисида хабардор этиб боради.

Гуруҳ мутахассиси ушбу Низомда кўрсатилган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

## Гуруҳ ходимлари ўртасида вазифалар тақсимоти

**Гуруҳ раҳбари.**

Гуруҳ раҳбари:

-вилоят ва туман ҳокимликлари бошқарув лавозимлари рўйхатига олинган раҳбар кадрларни танлаш, ўрганиш, истиқболли ва амалдаги кадрлар заҳирасини шакллантириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари билан бевосита шуғулланади;

-раҳбар кадрлар алмашинуви (ротация) эҳтиёжларини ўрганиб, шу ҳақида туман ҳокимига маълумотлар тайёрлайди;

-истеъдодли, мустақиллик ғояларига содиқ, фидоий ёш кадрлар тўғрисида маълумотларни жамлаб, ўрганиб, уларни раҳбарлик лавозимларига заҳирага олиш юзасидан туман ҳокимига таклифлар киритади;

-туман ҳокимлиги томонидан ўгказиладиган тадбирларни ташкилий жиҳатдан тайёрлашда қатнашади. Халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашининг сессиялари, туман фаоллари йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишни ташкиллаштиришда, бу борадаги ишларни туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари билан ҳамкорликда мувофиқлаштиради. Жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар билан алоқалар юзасидан фаолият юритади;

-туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вилоят ва туман ҳокимларининг қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш юзасидан умумий назорат ўрнатади.

**Етакчи мутахассис.**

Туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вилоят ва туман ҳокимларининг қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш юзасида ягона тартибга амал қилинишини таъминлайди. Туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари билан биргаликда барча ташкилот, корхона, муассаса, хўжалик ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ижрони назорат қилишнинг аҳволини ўрганиб боради, уларда ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишларни таҳлил этади ҳамда гуруҳ раҳбарига таклиф ва маълумотномалар тайёрлайди. Гуруҳ раҳбарининг топшириғига кўра бошқа вазифаларни амалга оширади.

**Гуруҳ назорат ишларинининг ташкил этилиши.**

Гуруҳда назорат ишларини амалга ошириш борасида етакчи мутахассисга қуйидаги вазифалар юклатилади:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, баённомалари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Бош вазир ўринбосарларининг топшириқлари, вилоят ва туман ҳокимларининг қарор ва фармойишлари, ўтказилган йиғилишлар баённомаларининг ўз вақтида ижро этилиши бўйича назоратни ташкил этиб, шу билан бирга мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

туман ҳокимлиги ички тартиб-интизоми Йўриқномасини ишлаб чиқади, бошқарув аппарати ва техник ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишга доир фармойишлар чиқаради;

Туман ҳокимининг қарор ва фармойишларини, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси баёнларининг сифатини кўриб чиқиш:

-1 ва 2-картотекани юритиб боради ҳамда назорат карточкаларини раҳбарият резолюциясига қараб тўлдиради, назоратда бўлган ҳужжатлар, топшириқлар тўғрисида маълумот ва эслатмалар ёзма ва электрон шаклдаги базасини юритиб боради. Назоратдаги ҳужжат ва топшириқларни назоратдан чиқариш бўйича таклифларни тайёрлаб шўъба раҳбарига тақдим этади.

Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарига ҳар ой 25 ва 1 санасигача 2-картотека бўйича кейинги ойда ижроси таъминланиши керак бўлган назоратдаги ҳужжатлар, топшириқлар тўғрисида таклиф киритади ва унинг резолюцияси билан туман ҳокимлигининг мажмуа, гуруҳ ва бўлимлари раҳбарларига етказади.

Гуруҳ раҳбари билан келишилган ҳолда туман ҳокимлигининг мажмуа, гуруҳ ва бўлимлари, ташкилотларда ҳужжатлар ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши бўйича ижро интизоми назоратини ташкил этиш ва унинг аҳволи бўйича ўрганишларда иштирок этади.

Ҳар чоракда туман ҳокимлигининг мажмуа, гуруҳ ва бўлимларига 1 ва 2-картотека бўйича ижроси таъминланмаган ҳужжат ва топшиқлар бўйича маълумотномаларни ёзма ва электрон шаклда тақдим этади.

Ҳар куни 1 ва 2-картотека бўйича мажмуа, гуруҳ ва бўлимлар кесимида ижро муддати ўтказилиб юборилган ҳужжатлар тўғрисида маълумотни гуруҳ раҳбарига тақдим этади.

Ўзига юклатилган функционал вазифаларни зарур даражада ва самарали бажарилиши учун туман ҳокимлиги мажмуа, гуруҳ ва бўлимлари, ташкилотлар раҳбарларидан керак бўлган ҳужжатларни сўраб, қабул қилиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари,вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари бўйича ҳамда ўз ташабуси билан қабул қилинган туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари ижросини таъминлаш бўйича 3-картотекани юритади.

Хар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 2 санасида электрон шаклда 5 санасида чоп этилган ва туман ҳокими томонидан имзоланган холда 1 ва 2-жадвалларни вилоят ташкилий назорат гуруҳига тақдим этади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 9- илова

# БЕКОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ КАНЦЕЛЯРИЯСИ ТЎҒРИСИДА
# Н И З О М

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарорига мувофиқ Бекобод тумани ҳокимлигининг канцелярияси (кейинги ўринларда – Канцелярия деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бекобод тумани ҳокимлигининг канцелярияси Бекобод тумани ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Канцелярия ўз фаолиятини “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ва Тошкент вилоят ҳокимининг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг ва туман ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

4. Канцелярия ўз фаолиятини туман ҳокими раҳбарлигида амалга оширади.

5. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Тошкент вилояти ҳокимлиги, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## II. Канцеляриянинг вазифалари ва функциялари:

6. Қуйидагилар Канцеляриянинг вазифалари ҳисобланади:

тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлайди, тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил қилади;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, расмийлаштириш, кўпайтириш ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлайди;

ҳокимнинг ёрдамчиси, мажмуа ва гуруҳлар билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил қилади, бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича асосий таркибий бўлинма ҳисобланади;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилишни таъминлайди;

Канцелярия тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## III. Канцеляриянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

7. Канцелярия ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун Канцелярияга қонун ҳужжатларида белгиланган зарур бўлган материаллар ва маълумотларни туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

зарурат бўлганда, Канцелярияда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва тахлилий материалларни, шунингдек туман ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан ва бошқа ташкилотлар ходимларини раҳбарият билан келишилган ҳолда таклиф этиш, жалб этиш ва ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш.

8. Канцелярия мажбуриятлари:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг ва туман ҳокимининг ҳужжатларига ҳужжатлари ва топшириқларига мувофиқ Канцелярияга тегишли таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ўз вақтида тайёрланишига;

туман ҳокимлигида кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиш сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланишига;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан туман ҳокимлигига, яъни Канцелярига юклатилган вазифалар юзасидан киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, қонунийлигини кўриб чиқиб, асосланган хулосалар тайёрланишига;

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2015 йил 31 мартдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сонли қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланишига жавоб беради.

## IV. Канцеляриянинг тузилмаси

9. Канцеляриянинг тузилмасига канцелярия раҳбари ва 1 нафар 1-тоифали мутахассис киради.

Канцеляриянинг ходимлари олий маълумотли, юқори малакали, давлат ва маҳаллий бошқарув органларида ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади.

Канцеляриянинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини

такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сон қарори билан белгиланади.

10. Канцеляриянинг  фаолияти туман ҳокими томонидан тасдиқланадиган тегишли Низом, Канцеляриянинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомига мувофиқ ташкил этилади.

11. Канцелярия ўз фаолиятида туман ҳокимига бўйсунади.

12. Канцелярия раҳбари  туман ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

13. Канцеляриянинг 1-тоифали мутахассиси  канцелярия раҳбарининг тақдимномаси бўйича туман ҳокимининг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Канцелярия Низоми ва функционал вазифалари туман  ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

## V. Канцелярия фаолиятини ташкил этиш

15. Канцелярия фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, Тошкент вилояти ҳокими ва туман ҳокимининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик иш режалари асосида ташкил этилади.

16. Канцелярия:

ҳокимнинг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқларини расмийлаштиради;

туман ҳокимлигига кирувчи ва чиқувчи корреспонденцияни расмийлаштиради;

туман ҳокимлиги мажмуа ва  гуруҳларида ҳужжатлар билан ягона услубда ишлашни ташкил этади;

ҳокимлик аппаратида ҳужжатларнинг сақланишини ташкил этади;

сақланиш муддати тугаган ҳужжатларни белгиланган тартибда архивга топширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент вилояти қарорлари юзасидан 1а, 2а, 3а назорат карточкаларини расмийлаштиради, кейинчалик ташкилий-назорат гуруҳига топширади;

туман ҳокимлигидан чиқувчи ҳужжатларни белгиланган тартибда ва муддатларда жойлардаги ижрочиларга етказилишини таъминлайди;

туман ҳокимлигига келиб тушган барча ҳужжатларни туман ҳокими резолюцияси билан ижрочиларга етказади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари, бошқа ижрочилар томонидан кўриб чиқилишини  назоратга олади;

оғзаки мурожаат бўйича қабул қилади ва таалуқли мажмуада уларнинг қабул қилинишини таъминлайди ҳамда назоратга олади.

17. Канцелярияда ҳар хафтада йиғилишлар ўтказилиб, берилган топшириқлар, режаларнинг бажарилиши назорат этилиб, янги ҳафтага мўлжалланган ишлар ва топшириқлар белгилаб олинади.

18. Канцелярия ўз фаолиятини ярим йиллик ва йиллик иш режалари асосида олиб боради.

19. Туман ҳокимлигида иш юритилиши ва ҳужжатларнинг ўтиши канцелярия томонидан олиб борилади ҳамда шу ҳақида мунтазам равишда туман ҳокимига маълумот бериб борилади.

## VI. Канцелярия ходимларининг вазифалари
## Канцелярия раҳбари

20. Канцеляриянинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади ва қуйидаги ишларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси хужжатларининг, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорларининг, Тошкент вилояти ва туман ҳокимларининг ҳокимининг Канцелярияга тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижросини ташкил этади ва назорат қилади;

Канцелярияга юкланган вазифаларни бажариш бўйича туман ҳокимлиги ишларини ташкил этади ва ишларни мувофиқлаштиради;

Канцелярияга юкланган вазифаларни бажаришда ишларни тақсимлайди ва бевосита ижросини назоратга қилади;

иш фаолиятида ходимларнинг малакасини оширишни, тегишли хизмат интизомини таъминлайди;

туман ҳокимининг қарор ва фармойишларини, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларини баёнлаштиради ва расмийлаштиради, фуқароларни қабул қилади, туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари томонидан ҳоким ёрдамчиси, мажмуа ва гуруҳлар билан биргаликда фуқароларни қабул қилиш кунларини ташкиллаштиради, жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки ҳамда ёзма мурожаатларини ўз вақтида бажарилиши, туман ҳокимлигига келган келув-чиқув ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, юқори органлар хатларини манзилгоҳга ўз вақтида етказиш ишларини назорат қилиб боради;

туман ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг аҳволи тўғрисида ҳафталик маълумот тайёрлайди ва туман ҳокимига киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунбузилишларга йўл қўяетган туман ҳокимининг ўринбосарлари, мажмуа ва гуруҳлар ходимлари, бўлим, корхона, ташкилот, муассаса ва идораларнинг раҳбарларига нисбатан қонуний чоралар кўриш бўйича туман ҳокимига таклифлар киритади;

туман ҳокимлигининг бланкаларини расмийлаштириб боради ҳамда мажмуа ва гуруҳларга белгиланган тартибда бериб боради;

Канцелярия фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларни тайёрланишини ташкиллаштиради;

Канцелярия фаолиятига доир масалалар юзасидан туман ҳокимлигининг таркибий мажмуа ва гуруҳлари томонидан туман ҳокимининг топшириқлари ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини назорат қилади;

ўз ваколати доирасида Тошкент вилояти органларида туман ҳокимлиги номидан вакиллик қилади;

туман ҳокимининг топшириқларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

## Канцеляриянинг 1-тоифали мутахассиси

21. Канцеляриянинг 1-тоифали мутахассиси:

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда 2015 йил 31 мартдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат

органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 73-сонли қарорига 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Йўриқнома асосида иш юритади;

Жойларда кўчма қабул кунларини ташкил этади ва уларни назорат этиб боради;

Юқори ва қуйи ташкилотлардан келган хат, ҳужжатларни қабул қилади ва рўйхатдан ўтказади. Келган маълумотларни мажмуа ва гуруҳлар бўйича йўналтиради. Расмийлаштирилган ҳужжатларни (корреспонденция) туман ҳокими кўрсатмасига асосан (тегишлисига нусха кўпайтириб) масъул шахсларга ўз вақтида етказади;

Туман ҳокимининг қарор ва фармойишлари кўпайтирилган нусхаларини, мажмуа ва гуруҳлардан тушган кундалик (корреспонденция) хатларни ҳар бирини расмийлаштиради ва уларни манзилига қараб конвертларга солади ҳамда алоқа бўлими орқали жўнатади;

Канцелярия раҳбари томондан қабул қилиб олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза ва шикоятларини расмийлаштиради ва кўрсатмага асосан белгиланган масъул шахсга ўз вақтида етказади;

Ариза-шикоятларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан ҳафталик таҳлил қилиб, ариза-шикоятларни қабул қилган масъул шахсларга эслатма беради ва уларни бажарилиши бўйича назорат этиб боради;

Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар бўйича ярим йиллик, йиллик маълумот ҳисоботини тайёрлайди, ариза, шикоятларни жилдлаб жиҳозлайди;

Мурожаатлар қонуний хал этилиши устидан мониторинг олиб боради, натижаларини ҳар ҳафтада умумлаштиради;

Канцелярия фаолиятига доир қарор, фармойиш ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлайди;

Канцелярия фаолиятига доир тегишли топшириқларини ижрочиларга етказилишини ҳамда Канцелярия фаолиятига оид масалалар бўйича тегишли идоралар билан алоқани таъминлайди;

Канцелярия фаолиятига доир барча масалалар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

Канцелярия раҳбари томонидан расмийлаштирилган халқ депутатлари туман кенгаши сессияси ҳужжатларини, туман ҳокими қарорларини, фармойишларини жилдлаб жиҳозлайди ҳамда туман архивига топширади;

Туман ҳокими қабул қилган меъёрий ҳужжатлар бўйича ярим йиллик ва йиллик маълумот ҳисоботини тайёрлайди;

Туман ҳокимининг қарор, фармойишларини сифатини кўриб чиқиб рўйхатдан ўтказади, уларни тегишли жойларга юбориш учун белгилаб чиқиб, конвертга солиб тегишли манзилга юборади;

Туман ҳокимлиги аппарат ходимлари, бўлим, корхона, ташкилот, муассаса ва идоралар раҳбарлари телефон рақамлари рўйхатини (ташкилий- назорат гуруҳи билан биргаликда) ташкил этади;

Туман ҳокимлигига келиб тушган хат, баён ҳужжатларни ярим йиллик ва йиллик ҳисоботини тайёрлайди. Ҳукумат идораларидан келган қарор, фармойишларни йиллигини жилдлайди, жиҳозлайди ва архивга топширади;

туман ҳокимининг ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 10- илова

# ТУМАН ҲОКИМЛИГИ БУХГАЛТЕРИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарорига мувофиқ туман бухгалтериясининг (кейинги ўринларда – Бухгалтерия деб юритилади) вазифаларини белгилайди.

Бухгалтерия туман ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Бухгалтерия ўз фаолиятини “Маҳаллий давлат ҳокимлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимининг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга асосан амалга оширади.

Бухгалтерия ўз фаолиятини туман ҳокимининг раҳбарлигида амалга оширади.

Бухгалтерия ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## II. Бухгалтериянинг асосий вазифалари

Туман ҳокими маҳкамасининг ва ҳокимлик биносида жойлашган бошқа бўлинмаларнинг самарали иш олиб боришлари учун яхши шароитлар яратади ва ташкил қилади.

Бухгалтерия асосий вазифаларига мувофиқ равишда:

белгиланган қоидаларга асосан туман ҳокимлиги биноларининг, иншоотларнинг, муҳандислик коммуникациялари ва асбоб-ускуналарининг яхши ҳолда ишлашини таъминлайди ва хизмат кўрсатади;

тасдиқланган режа бўйича асосий фондларнинг доимий ва буткул таъмирланишини амалга оширади;

асосий ва айланма маблағларининг, молиявий ва моддий ресурсларнинг рационал ва тежамли ишлатилишини назорат қилади;

муҳосабий ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни олиб боради, тузади ҳамда белгиланган тартибда баланс ва ҳисоботларни тақдим этади;

ходимларининг лавозим вазифаларини ишлаб чиқади, касаба қўмитаси билан ҳамкорликда меҳнат шартномаларни тузилишида иштирок этади ва уларнинг ижросини назорат қилади.

## III. Бухгалтериянинг тузилиши.

Бухгалтерия тузилмасига бош бухгалтер ва 1 нафар 1-тоифали мутахассис киради.

Бухгалтерия ходимлари олий маълумотли, юқори малакали, давлат ва хўжалик бошқарув органларида ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади.

### Бош бухгалтер

**Бош бухгалтер:**

бухгалтериянинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Бухгалтерия таркибида ишлаётган ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва улар ишига раҳбарликни, иш фаолиятида ходимларнинг малакасини оширишни, тегишли хизмат интизомини таъминлайди;

туман ҳокимлиги фаолият кўрсатиши учун ўз вақтида молиявий ва моддий захираларнинг етказиб берилишини таъминлайди;

туман ҳокимлигида ўтказиладиган халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши сессиялари, мажлислар ва фаоллар йиғилишига доир молия-хўжалик масалаларини ҳал қилади;

туман ҳокимлигини компьютерлаштириш, техника воситалари ва жиҳозларини такомиллаштиришга доир ишларни амалга оширади;

туман ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимлари ва хизматчиларининг ишлаш шароитини яхшилайди ҳамда зарур бўлган хўжалик моллари билан таъминлашини назорат қилади;

туман ҳокими ўринбосарлари, мажмуа ва гуруҳ раҳбарлари мурожатига асосан ташкилий-техникавий, хўжалик масалаларини ўзаро ҳамкорликда ҳал этилишини ташкил қилади;

белгиланган қоидаларга асосан туман ҳокимлиги тасаруффидаги бинолар, иншоотларнинг, муҳандислик коммуникациялари ва асбоб-ускуналарининг яхши ишлашини таъминлайди ва хизмат кўрсатади;

туман ҳокимлиги тасаруффидаги биноларни доимий ва капитал таъмирлаш бўйича режалар ишлаб чиқади;

туман ҳокимлигига қарашли автомашиналарни ишлатилишини, ёнилғи-мойлаш ва бутловчи қисмлар билан таъминлайди. Автомашиналардан фойдаланиш самарадорлигини оширади;

муҳосаба фаолиятига раҳбарлик қилиб, муҳосаба ҳисоб-китобларини тўғри олиб борилишини ҳамда туман ҳокими маҳкамасини муҳосабаси кассасидаги пул маблағларининг ҳаракатларини назорат қилади;

йиллик штат жадвалларни, смета харажатларни тузади ва туман молия бўлимига тақдим этади;

йиғма статистик ҳисоб ва ҳисобот олиб боради, асосий ҳисоб рақамлари бўйича чорак баланси тузади;

ҳисоб рақами бўйича дебиторлар ва кредиторлар билан мунтазам ҳисоб китобларни назорат қилади;

ички ҳисоб ва ҳисоботларни олиб боради, хўжалик операцияларини назорат қилади ва тегишли ташкилотларга ҳисобот тайёрлайди;

туман ҳокими маҳкамаси хўжалик бўлими ва автосаройи моддий жавобгарлар иш фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиб, тўғри иш олиб борилишини талаб қилади;

маблағларни тўғри сарфланиш ҳаракатини, ҳисоб китобини ва иш хақи ҳисобини таъминлайди ва уни ходимларга тарқатилишини назорат қилади;

банклар билан молиявий муомалаларни амалга оширади.

## 1-тоифали мутахассис

1-тоифали мутахассис:

ҳисоб-китобни таъминлаб, маҳкама ходимлари иш хақи бўйича мансаб карталарини олиб боради;

омборга тушаётган моддий буюмлар ҳисоб-китобини олиб боради ва назорат қилади;

асосий воситаларни ва моддий буюмларини йилда бир марта инвентаризациядан ўтказади;

зарурий моддий буюмларни сотиб олишга доир молиявий ҳужжатларни расмийлаштиради ва уларни рўйхатдан чиқаришга тайёрлайди, материалларни ҳисобга олишга кундалик кирим-чиқим айланма қайдномаларни тузади;

туман ҳокими маҳкамасида муҳосабалик ҳисоб-китобини, муҳосаба кассасидаги пул маблағлари ҳаракатларини тўғри олиб борилишига жавоб беради ҳамда ҳокимлик ходимларига маошларини тарқатади;

ишдан бўшаган ходимлар билан, ҳисоб варақаси тақдим этилгандан сўнг якуний ҳисоб-китоб қилади;

туман ҳокимининг топшириқларига кўра бошқа вазифаларни бажаради.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 11- илова

# БЕКОБОД ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ БОШ ЮРИСКОНСУЛЬТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Бекобод тумани ҳокимлиги юрисконсульт (юристи) туман ҳокими раҳбарлигида фаолият юритади ва туман ҳокими олдида ҳисобот беради.

2. Бекобод тумани ҳокимлиги юрисконсульт лавозимига олий юридик маълумотга ва камида икки йиллик юрисконсультлик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

Юрисконсульт (юрист) лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланади ҳамда юрисконсульт туман ҳокимига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳисоб беради.

3. Юрисконсульт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

## II. Юрисконсультнинг вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар юрисконсультнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) юрисконсульт туман ҳокимлигининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашиш;

2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш;

3) юрисконсульт туман ҳокимлиги ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятини уларга етказишда қатнашиш;

4) юрисконсульт туман ҳокимлиги ва унинг тизимига кирадиган бўлинмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш;

5) юрисконсульт туман ҳокимлигининг шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

6) судларда ва бошқа идораларда юрисконсульт ҳокимлигининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш.

5. Юрисконсульт ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

**1) ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:**

а) юрисконсульт туман ҳокимлигининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда қатнашади;

б) юрисконсульт туман ҳокимлиги ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда қатнашади;

в) юрисконсульт туман ҳокимлигининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда ҳамда уларни тегишли равишда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш учун юборишда қатнашади;

г) мустақил ёки бошқа бўлинмалар билан биргаликда экспертизадан ўтказиш ва юрисконсульт туман ҳокимлиги билан келишиш учун тақдим қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг қонунчиликка ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий хулосалар тайёрлайди;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан юрисконсульт ҳокимлигининг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) юрисконсульт туман ҳокимлиги фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

ж) юрисконсульт туман ҳокимлигига келиб тушган ва юрисконсульт ҳокимлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди;

з) юрисконсульт туман ҳокимлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, давлат органи раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

и) юрисконсульт туман ҳокимлиги ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

к) юрисконсульт туман ҳокими раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

л) юрисконсульт туман ҳокимлиги ва унинг тизимига кирадиган бўлинмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда қатнашади;

м) юрисконсульт туман ҳокимлиги фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

н) юрисконсульт туман ҳокимлиги ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга ҳокимлик фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;

**2) юрисконсульт туман ҳокимлиги фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида:**

а) юрисконсульт туман ҳокимлиги ва унинг тизимига кирувчи бўлинмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритади, зарур ҳолларда ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашади;

б) юрисконсульт туман ҳокимига тақдим қилинадиган фармойишлар ва қарорлари лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан юрисконсульт ҳокимлигининг бошқа ваколатли бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) мустақил равишда ёки бошқа бўлинмалар билан биргаликда юрисконсульт туман ҳокимининг фармойишлари ва қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

г) юрисконсульт туман ҳокимлиги ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

д) юрисконсульт туман ҳокимлигида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда мулк сақланиши таъминланишининг ҳуқуқий механизмларини ташкил қилади;

е) юрисконсульт туман ҳокимлигининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда юрисконсульт ҳокимлиги, унинг тизимига кирадиган бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, шикоятлар ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқади;

ж) юрисконсульт туман ҳокимлигида бошқарув тизимини такомиллаштириш, юрисконсульт ҳокимлиги тизимига кирадиган бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

з) юрисконсульт туман ҳокимлигида меҳнат ҳақидаги қонунга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битим ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

**3) шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:**

а) бошқа бўлинмалар билан биргаликда юрисконсульт туман ҳокимлиги томонидан шартномалар тайёрланиши ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлари бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан юрисконсульт туман ҳокимлигининг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

б) қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) юрисконсульт туман ҳокимлиги томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

д) юрисконсульт туман ҳокимлигининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва юрисконсульт туман ҳокимлигига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, юрисконсульт туман ҳокимлигида талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

е) тегишли бўлинмалар билан биргаликда юрисконсульт туман ҳокимлигининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) юрисконсульт туман ҳокимлигининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади;

**4) бошқа соҳаларда:**

а) юрисконсульт туман ҳокимлиги тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

б) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга

тааллуқли кўрсатмаларини юрисконсульт туман ҳокимлиги тизимига кирадиган бўлинмаларга етказади;

в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

6. Юрисконсульт туман ҳокимлигининг норматив тусдаги қарорлари лойиҳаларининг ҳудудий адлия органларига киритилишини таъминлайди.

7. Юрисконсультга ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

## III. Юрисконсультнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Бош юрисконсульт қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) юрисконсульт туман ҳокимлигига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

б) юрисконсульт туман ҳокимлиги ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

в) раҳбарият томонидан чақириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда қатнашиш;

г) раҳбар топшириғига кўра ёки тегишли бўлинма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

д) қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбар топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

е) юрисконсульт туман ҳокимлиги тизимига кирадиган бўлинмаларда юрисконсульт ҳокимлиги ваколатга кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

ж) юрисконсульт туман ҳокимлиги ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбарга таклифлар киритиш;

з) юрисконсульт туман ҳокимлигида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда ёки юрисконсульт туман ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг якунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш.

Юрисконсульт қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Юрисконсульт (юрист):

унга ушбу Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

юрисконсульт туман ҳокимлигида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Юрисконсульт қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## IV. Юрисконсульт (юрист)нинг жавобгарлиги

10. Юрисконсульт (юрист) ўзи виза қўйган ҳужжатлар лойиҳаларининг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

11.Юрисконсульт (юрист) ўз вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 12- илова

**ТУМАН ҲОКИМИ ЁРДАМЧИСИНИНГ**
**ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**
**Й Ў Р И Қ Н О М А**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу йўриқнома “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2497-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 апрелдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 123-сонли қарорига мувофиқ Бекобод тумани ҳокими ёрдамчисининг (кейинги ўринларда – Ёрдамчи деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Ёрдамчи бевосита туман ҳокимининг раҳбарлигида фаолият юритади ва унинг олдида ҳисобот беради.

3. Ёрдамчи ўз фаолиятини “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, халқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимининг ҳужжатларига шунингдек, ушбу йўриқномага амал қилади.

Ёрдамчининг хизмат фаолияти туман ҳокимининг ишини ташкил этишда тегишли шароит яратишга қаратилган бўлиб, туман ҳокимлигининг барча таркибий бўлинмалари билан биргаликда ишчан фаолиятни йўлга қўйишга асосланган.

5. Ёрдамчи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Тошкент вилоят ҳокимлиги, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ёрдамчи ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, туман ҳокимлиги иш тартибига, туман ҳокимининг қарор ва фармойишларига, ҳужжатлар билан ишлаш йўриқномасига, ички меҳнат тартиби қоидаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 203-сон қарорига ва Низомига асосан ҳамда мазкур йўриқномага амал қилади.

**II. Ёрдамчининг асосий вазифалари ва функциялари:**

6. Қуйидагилар ёрдамчининг асосий вазифалари ҳисобланади:

туман ҳокимининг самарали иш фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш;

туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари билан ҳамкорликда туман ҳокими иштирокида ўтказиладиган асосий тадбирлар (йиғилишлар, комиссия мажлислари, ҳудудларга чиқиш ва ҳ.к.)нинг ҳафталик-кунлик режа жадвалларини ишлаб чиқиш;

туман ҳокими раислигида ўтказиладиган мажлислар, йиғилишлар ва бошқа тадбирларга таалуқли ҳужжатларнинг тайёрланишида қатнашиш ва муддатида, сифатли тайёрланишини назоратга олиш;

туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳлари билан биргаликда туман ҳокими иштирок этадиган тадбирларга тегишли маълумотлар, ахборотлар, маърузалар тайёрлашда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис, Тошкент вилояти ҳокимлигидан келган фармонлар, қарорлар, фармойишлар ва топшириқларнинг ўз вақтида тайёрланишини назоратга олиш;

вилоят бошқармалари, туман корхона, ташкилот, муассаса ва идоралари раҳбарларининг туман ҳокимининг қабулида бўлишларини таъминлаш;

канцелярия билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг қабулини ташкил этиш;

туман ҳокимини тегишли раҳбарлар билан мулоқоти учун тезкор алоқа билан таъминлаш;

туман ҳокимлигида ташкил этилган "Ишонч телефони" орқали тушаётган мурожаатларни қабул қилиш ва ижрочиларга етказиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

ҳокимликнинг тегишли фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этиш;

туман ҳокимлигида ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади.

6. Ёрдамчи ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент вилояти ҳокимлигининг бевосита ҳокимга йўлланган ёзма топшириқлари тўғрисида ўз вақтида ахборот берилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди ва ҳокимнинг резолюциясига мувофиқ унинг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг тегишли топшириқлари бажарилишини назорат қилиш ва таҳлил этишни таъминлайди, уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимга ахборот беради;

ҳокимнинг жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг ижросини ташкил этади;

ҳокимнинг номига тушган хат-хабарларни таҳлил қилади, пухта экспертизадан ўтказади, зарурият бўлганда, бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тегишли топшириқларни (фишкаларни) тайёрлайди, тегишли материаллар ҳақида ҳокимга ахборот беради ва имзоланган топшириқларнинг белгиланган тартибда ижрочиларга юборилишини ташкил этади;

жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг ҳоким томонидан қабул қилинишини ташкил этади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган топшириқлар бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

туман ҳокими қабулхонасида суткалик навбатчилик жадвалини тузади, тасдиқлаш учун туман ҳокимига киритади, туман ҳокими томонидан тасдиқланган жадвал ижросини таъминлайди;

ҳоким томонидан юкланган ва ҳоким ёрдамчисининг функционал вазифаларида назарда тутилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

## III. Ёрдамчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

**7.** Ёрдамчи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

туман ҳокими хузурида кўриладиган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатларни ҳокимлик мажмуа ва гуруҳлаларидан сўраб олиш ва заруратга қараб бу ҳужжатларни тайёрлашга мажмуалар ходимларини жалб этиш;

туман ҳокимининг кўрсатмасига асосан туман ҳокимлиги мажмуа ва гуруҳларига, туман корхона, ташкилот, муассаса ва идоралари раҳбарларига топшириқлар бериш;

туман ҳокимига ахборот берилган ҳужжатларни ижрочисига қайтариш;

туман ҳокимининг топшириғига асосан, мансабдор шахслар ва фуқароларни қабул қилиш;

туман ҳокими иштирокида ўтадиган тадбирларда иштирок этиш.

8. Ёрдамчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни ўрнатилган муддатларда, тўлиқ ҳажмларда ва сифатли бажариш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига, туман ҳокимлиги иш тартибига, туман ҳокимининг қарор ва фармойишларига, ҳужжатлар билан ишлаш йўриқномасига, ички меҳнат тартиби қоидаларига, 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 203-сон қарорига ва Низомига асосан ҳамда мазкур йўриқномага амал қилиш.

Бекобод тумани ҳокимининг
2017 йил “ 27 ” ноябрдаги
1336- сон қарорига 13- илова

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ МАСЪУЛ КОТИБИНИНГ ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА Й Ў Р И Қ Н О М А

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг иш фаолияти Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон Қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Комиссия ишини вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент вилоят, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларда иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия қарорлари билан тасдиқланган иш режалари, чора-тадбирлар режалари, дастурлар ва топшириқлар ижросини таъминланиш чораларини кўради;

прокуратура органларидан келиб тушган тақдимнома ва протестлар, адлия ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлардан келиб тушган тақдимномалар ижросини белгиланган муддатларда ижроси таъминланмаганлиги ҳақида маълумотларни етказади. Келиб тушган тақдимнома муҳокамаси юзасидан йиғилиш кунларини раҳбарият билан келишади ва масъул шахсларни иштирокини таъминлаш, ушбу масала юзасидан тегишли материалларни тўплаш масалаларини ҳал этади;

Комиссиянинг масъул котиби кундалик ишларни режалаштиради ва тегишли туман ҳокими ва комиссия қарорларининг (фармойиш) бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Комиссия таркибига кирувчи аъзоларининг иш фаолиятини мувофиқлаштиради;

мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ҳамда ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз қолишлари, ҳуқуқбузарликлари ва жамият учун зарарли ҳатти-ҳаракатлар қилишларига имкон туғдирувчи сабаблари ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўради;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлага имкон туғдирувчи сабаблари ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар тайёрлайди;

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёхуд ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш

ва уларнинг маиший яшаш шароитини яхшилашда ёрдам кўрсатиш, давлат ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини аниқлашда, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилишга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга оширишда кўмаклашади;

вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга оширади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бошқа шахсларнинг мурожаатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

Ички ишлар органлари билан биргаликда тарбиявий таъсир қилиш ёки маъмурий жазолаш чоралари кўрилган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, жазога шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ёки тарбия колонияларида жазони ўтаган вояга етмаганларнинг хулқ-атворини кузатиб боришни ташкил этишда қатнашади, шунингдек ушбу тоифадаги вояга етмаганларнинг ҳисобини олиб боришини ташкил қилади;

зарур бўлган ҳолларда, вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ёки уларни таълим муассасаларига юбориш чора-тадбирларини кўради;

вояга етмаганлар назоратсизлиги ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ижро учун топширилган юқори ташкилотлар ҳужжатлари, вилоят ҳокими қарор, фармойиш ва топшириқлари, мурожаатларнинг белгиланган тартибда ижросини таъминлайди;

Комиссия фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар юзасидан иш юритилишини ташкил этади;

- кундалик ишларни бажариш, комиссия қарорлари бажарилиши устидан назорат олиб бориш;

- комиссия йиғилишига тегишли маълумотлар, ахборотлар ва таҳлилий ҳужжатларни тўплаш;

- йиғилишга тайёргарлик кўриш, ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш;

- комиссия аъзоларидан уларга берилган вазифаларни бажарилиши юзасидан ҳисоботларни умумлаштириб ва комиссия раисига тақдим этиш;

Комиссия ҳужжатларини тегишли муассаса ва ташкилотларга жўнатади, тегишли маълумот ва ахборотлар жойлардан комиссияга тегишли бўлган ахборот ва маълумотларни тўплайди. Комиссиянинг кундалик фаолияти билан боғлиқ ишларни ташкил этади;

Комиссия йиғилишларида кўриб чиқиладиган бирламчи маълумотларни тўплайди ва комиссия йиғилишлари бўйича ҳужжатлар тайёрлайди.

*Бекобод тумани ҳокимининг*
*2017 йил "27" ноябрдаги*
1336-*сонли қарорига 14-илова*

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Туман ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик комиссияси ТАРКИБИ** | | | |
| 1 | Н.Мирсаидов | - | туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, комиссия раиси |
| 2 | Ё.Мўминова | - | туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| 3 | Н.Қодиров | - | туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар мажмуи бош мутахассиси, комиссия раиси масъул котиби |
| **Комиссия аъзолари:** | | | |
| 4 | Р.Абдураззаков | - | туман ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари мажмуи бош мутахассиси |
| 5 | М.Усмонов | - | туман ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари мажмуи бош мутахассиси |
| 6 | Б.Эргашев | - | туман маданият бўлими бошлиғи |
| 7 | Т.Қорабоев | - | "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси туман бўлими раиси |
| 8 | Х.Соибназаров | - | Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири |
| 9 | Э.Хатамов | - | туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи |
| 10 | И.Рахматов | - | Туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари |
| 11 | Н.Жалилов | - | Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари |
| 12 | А.Каримов | - | Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси |